СОЗ ЭКСАНГ, БАРАКАЛИ ХИРМОН КЎТАРАСАН

ЕРГА ЧИГИТ ТУШДИ. ОММАВИЙ ЭКИШГАЧА ҲАММА НАРСА ТАХТ БЎЛСИН

КАРТАЛАРНИ КВАДРАТ-УЯЛАБ ЭКИШГА МОСЛАБ ТАЙЁРЛАНГ

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг илғор трактористи Оқинбой Умиров техникани чигит экишга тахт қилиб қўйди. СУРАТДА: ўртоқ О. УМИРОВ.

И. Глауберзон фотоси.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 74 (12.427) | Пайшанба, 28 март 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ СЪЕЗДИ

Бугун республикамиз пойтахти Тошкентда Ўзбекистон медицина ходимларининг бешинчи съезди очилади. Республикадаги эллик мингдан ортиқ олий ва ўрта маълумотли медицина ходимларининг ваколати билан съездга келган медицина ходимлари эл сиҳат-саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишларга яқун ясайдилар, уни янада юксакроқ даражага кўтариш режаларини белгилаб оладилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинмай кўрсатаётган ғамхўрликлари натижасида аҳолига бепул медицина хизмати кўрсатиш соҳасида ғоят катта муваффақиятларга эришилмоқда. Баракали меҳнатдан кейин совет кишиларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари, даволанишлари учун минглаб санаторийлар, курортлар ва дам олиш уйларига ҳар йили миллион-миллион сўмлаб маблағ ажратилмоқда. Юз минглаб меҳнаткашлар иш соатларидан кейин тунги санаторийларда даволанмоқдалар. Аҳоли соғлиғини назорат қилиш учун ҳар бир шаҳарда жамоатчилик асосларида ишлайдиган ўнлаб медицина пунктлари ишлаб турибди. Совет медицинаси эҳтиёжлари учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар йил сайин кўпайиб оормоқда, ҳамма нарса инсон сиҳат-саломатлигини кўз қорачиғидай сақлашга қаратилмоқда.

Мамлакатимизда инсон қадр-қиммати шу қадар юксак ва шу қадар азиздир. Ўзбекистон территориясида ҳозир 1144 касалхона бўлиб, уларда 75 минг 660 ўрин бор. 1965 йилга бориб касалхоналардаги ўринлар 85 мингга етказилади.

Булар — инсонга — яратувчи, мўъжизакор, коммунизм кошонасига гиштқўяётган совет кишисига тинмай кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг олий намуналаридир. Республика даволаш муассасаларида аҳоли дардига бепул шифо бериш йўлида қилинаётган барча тадбирлар ҳам бизда медицина хизмати кўрсатиш юксак даражага кўтарилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Республикамизда ўз касбини севган ажойиб врачлар, медицина ҳамширалари етишиб чиқмоқда. Улар ўзларининг билим ва қобилиятларини, бутун қалб ҳароратларини беморларни меҳр билан даволашга, меҳнат қучоғига қайтаришга бағишламоқдалар. Юзлаб медицина ходимларининг ташаббус кўрсатиб, янги ташкил этилган Сирдарё областига, шунингдек қўриқ ерларга бориб ишлаш истагини билдираётганликлари элга нисбатан бўлган шу чексиз меҳр ва садоқатнинг ажойиб ифодаси, чинакам ватанпарварлик ҳаракатидир.

Республика медицина ходимлари олдида ҳали ғоят катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Қишлоқларда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш шаҳар даражасигача кўтарилмоқда. Айрим қишлоқларимизда медицина муассасалари нобоп ва яроқсиз биноларга жойлаштирилган, дори-дармонлар ва медицина асбоб-ускуналари билан етарли миқдорда таъминланмаган. Фарғона, Андижон, Тошкент областларидаги баъзи колхозларнинг бўлинмас фондлари ҳисобига медицина муассасалари қуриш соҳасидаги ажойиб ташаббуси республиканинг барча колхозларига кенг оммалаштирилмаяпти. Узоқ районларда медицина ходимларига танқислик сезилмоқда. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва унинг жойлардаги органлари бу муҳим масалалар билан етарли шуғулланмаяпти. медицина муассасалари учун бинолар қуришга ажратилган маблағлардан тўла фойдаланилмаётир. Бухоро ва Сурхондарё областларида меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия комитетларининг маҳаллий бюджетлари ҳисобидан соғлиқни сақлаш объектлари қуриш плани 1962 йилда фақат 60 процент бажарилган, битта ҳам янги касалхона фойдаланишга топширилмаган. Бунга ҳотима бериш учун медицина органлари билан бирга партия ва совет ташкилотлари ҳам кескин қураш олиб боришлари, медицина муассасалари қуриш учун ажратилган маблағлардан тўла фойдаланишга эришишлари зарур.

Жамоатчилик асосида ишлаётган даволаш муассасалари тармоғини кенгайтириш — аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашнинг қулай резервларидан биридир. Тошкент ва Наманган медицина жамоатчилигининг бу соҳадаги ажойиб ватанпарварлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш лозим.

Медицина ходимлари — энг шарафли ва мўътабар касб эгаларидир. Уларга мамлакатнинг ғоят катта бойлиги — кишилар соғлиғини қўриқлашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Бинобарин медицина ходими — инсон саломатлигининг шифокорлари. Унинг қалби элга меҳр-вафо, садоқат туйғулари билан тўлиб-тошмоғи, ўз ҳаётини инсон саломатлигини сақлаб қолиш ишига астойдил бағишламоғи керак. Лекин республикамиз даволаш муассасаларида беморларга тўраларча, қўпол муомала қилаётган врач ва ҳамшираларга ҳам борки, буни нормал ҳол деб бўлмайди. Медицина ходимлари ва муассасалари совет кишиларининг дардига шифо беришга қолмай, балки беморга маънавий жиҳатдан ҳам таъсир кўрсатиши ва уни тарбиялаши керак.

Совет медицинаси жуда тез суръатлар билан тараққий этмоқда, инсон соғлигини сақлаш, умрни узайтиришнинг янги-янги методлари ишлаб чиқилмоқда. Медицина ходими давр, ҳаёт талабидан ортда қолмаслик учун ўз малакасини тинмай ошириши, замонавий медицина техникаси билан муттасил таниши бориши, омма орасида бўлиб, касалликнинг олдини олиш тадбирларини кўриши лозим.

«Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳамма турдаги малакали медицина ёрдамига бўлган эҳтиёжи батамом қондирилади, — деган эди ўртоқ Н. С. Хрушчев. — **Касалликларнинг олдини олиш тадбирлари айниқса кучайтирилади. Касалхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар миқдорини анчагина кўпайтириш белгиланган. Бизнинг мамлакатимизда анчадан бери амалда бўлган бепул медицина ёрдами билан бир қаторда касаллар санаторийлардан текин фойдаланадиган бўлади ва дори-дармонлар текин бериладиган бўлади».**

Бундай катта кўламдаги вазифаларни амалга ошириш учун ҳар бир медицина ходими ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Шубҳа йўққи, республикамиз халқ шифокорлари ҳам ана шу улкан ишларни ҳаётга татбиқ этиш учун курашадилар ва коммунизм қурувчилари соғлиғини сақлашдек олижаноб вазифаларини шараф билан бажарадилар.

ҲАММА ИШДА ИЛЬИЧ ВАСИЯТЛАРИНИ БАЖАРИНГИЗ

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари вакиллари слётига Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ табрикномаси

Азиз ёш дўстлар!

Сизлар мамлакатимизда ўқувчилардан тузилган ишлаб чиқариш бригадаларининг вакиллари ўз ишларингиз ва ўйларингиз тўғрисида, келажакка мўлжалланган планларингиз ҳақида суҳбатлашмоқ учун бамисоли кўклам даранчилари каби Ватанимиз пойтахтида тўпландингиз. Сизларни чин кўнгилдан табрикламан ва слётнинг ишида катта муваффақият тилайман.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзолари билан жуда кўп учрашиб, уларнинг мароқли ҳикояларини эшитганман. Ставрополь ўлкасидаги, Кубандаги, Украинадаги, Белоруссиядаги, Қозоғистоннинг кўриқ ерларида ташкил этилган совхозлардаги ҳамда мамлакатимизнинг бошқа кўпгина республикалари ва областларидаги мактаб бригадалари нақадар зўр ғайрат билан ишлаётганликларини биламан. Ёшлар мактабда ўқиётганларидаёқ қишлоқ хўжалигида олижаноб ва фахрли меҳнат қилишни ўрганиб олаётганликлари жуда яхши гап. Мактаб ўқувчилари тузукнина натижаларга эришмоқдалар, баъзан эса тажрибакор усталардан ҳам ўзиб кетмоқдалар. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари коммунизмнинг актив қурувчиларини тарбиялайдиган чинакам мактаб эканлигини сизларнинг тажрибангиз яна бир марта исботламоқда. Бу бригадаларда шонли механизаторларимиз, чорвадорларимиз, селекционерларимизнинг яхши ўринбосарлари ўсиб етишмоқда.

Биз, мўлжалланган мақсад — коммунизм сари тўпла-тўғри ва нурафшон йўлдан бормоқдамиз. Бизнинг муваффақиятларимиз анча катта, лекин эришилган натижалар билан хотиржам бўлиб қолиш ярамайди. Бизнинг олдимизда кўпгина ажойиб ва қийин ишлар турибди, халқимиз коммунистик мўл-кўлчилик дастурхонини тўлдирмоқ учун шу ишларни бажармоғи керак.

Бизнинг қишлоқ хўжалигимиз нейинги йилларда мустаҳкамланди. Колхозлар ва совхозларда машиналар, трактторлар, комбайнлар йилдан-йилга кўпаймоқда, ҳосилдорлик ошмоқда. Партия, бутун халқ қишлоқ меҳнаткашларига ҳамиша диққат ва эътибор бериб ғамхўрлик қилмоқда. Колхоз ва совхоз бойликларининг муносиб ворислари, яратувчилари ва хўжайинлари бўлишга тайёрланинглар!

Инсон ерга ҳуснн беради. Ер юзидаги гўзал нарсаларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг қўли билан яратилган. Ерга, галлакорнинг меҳнатига меҳр-муҳаббат — инсоннинг ажойиб хислатидир. Ерга меҳр қўйинглар, унинг шуҳратини оширинглар. Жамият бахт-саодати йўлида қилинаётган меҳнат энг яхши тарбиячи эканлигини эсда тутингиз. Коммунизм учун, моддий неъматларни мўл-кўл қилиш учун нурашиш — биринчи навбатда шу неъматларни яратишда ўз меҳнатинг билан доимий қатнашиб туриш демакдир. Мактабларни тамомлаб, ўзлари туғилиб ўсган колхозлар ва совхозларда ишлаш учун қолаётган, қишлоқ хўжалик ўнув юртларида сиртдан ўқишни давом эттираётган ва ўз ҳаётини қишлоқда ишлаш билан абадий боғлаётган ёшлар ўзларининг ватанпарварлик бурчларини юксак даражада тушунганликларини кўрсатмоқдалар. Ўқувчилар бригадаларида тарбияланаётган ёшларнинг бутун синф билан фермалар ва далаларда ишлашга боришга, комсомол-ёшлар звеноларн ва бригадалари тузишга интилаётганлигини ҳар томонлама қувватлаш керак.

Колхоз далаларига, фермаларга саводли, ақлли, ишбилармон кишилар керак. Илм-фанга таянмай туриб, илғорлар тажрибасини жорий қилмай туриб, ҳозирги вақтда хўжаликни бошқариб бўлмайди, мўл ҳосил олиб бўлмайди. Мактаб ўқувчилари диққатга сазовор кўпгина тажрибаларни ўтказмоқдалар. Бундай қилинаётганлиги жуда яхши. Сизлар мактабдан олган билимларингизни практикада синаб кўрингиз. Сизларга маслаҳат бериб шуни айтмоқчиманки, ўқувчилардан тузилган ҳар бир бригадада олимлар, агрономлар, зоотехниклар билан дўст бўлиб ишлайдиган бўлсин, уларнинг маслаҳатларини бажариб турсин, унумли ишлашни ўрганиб олсин. Бу нарса мактабни тамомлагандан кейин яхшироқ ишлашга, халқ учун кўпроқ маҳсулот етиштириб беришга ёрдам қилади.

Ўқувчиларнинг бригадаларида ишлаётганларидаёқ болаларнинг техникага меҳр-муҳаббатли бўлишлари, техникани яхши ўзлаштириб олишлари ва трактор рулини бошқаришга, комбайн штурвалини бошқаришга тайёр бўлиб туришлари катта аҳамиятга эга. Инсон Ватаннинг бахт-саодати йўлида меҳнат қилиб ўсади ва вояга етади, унинг иродаси ва ақл-идроки чиниқади.

Комсомол ва пионер номини баланд кўтарингиз, ҳамма ишда Ильич васиятларини бажарингиз. Мактабда, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларида ишлаб, ўзингизда коммунистик характер белгиларини камолга етказингиз, кенса авлоднинг қўлидан эстафетани олишга ва уни коммунизмнинг тўла ғалабаси сари муносиб равишда олиб боришга тайёрланингиз.

Н. ХРУШЧЕВ.

200 ГЕКТАР ЕРГА ЧИГИТ ЭКИЛДИ

ТЕРМИЗ. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Термиз ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг Ўзбек Жумаев, Ҳолли Қурбонов, Жданов номли колхознинг Чори Бўриев, Эрали Хайитов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида 10-15 гектардан майдонга чигит экилди.

Бошқармадаги колхозларда ва «Таллимарон» совхозида 30 дан ортиқ экипаж чигит экишни бошлаб юборди. Ҳозиргача 200 гектардан кўпроқ ерга ингичка толали пахта чигити квадрат-уялаб экилди.

МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

27 мартда Тошкентда Ўзбекистон ССР прокуратура, суд ва жамоат тартибини сақлаш органлари ходимларининг кенгаши бўлди. Бу кенгашда область партия комитетларининг секретарлари ва бўлим мудирлари, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Кенгаш қатнашчилари «Жиноятга қарши курашнинг аҳволи ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карловнинг докладини муҳокама қилдилар.

Кенгашда СССР бош прокурорининг ўринбосари А. С. Панкратов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, КПСС Марказий Комитетининг инструктори Ю. В. Салопаев қатнашдилар. (ЎзТАГ).

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН ЮРИШ БОШЛАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ПЛЕНУМИДАН

<>

Касаба союзлари республика Советининг етти йиллик бешинчи баҳори арафасида ўтказилган пленуми мўл пахта ҳосили учун, 1963 йилда мамлакатимизга 3 миллион 566 минг тонна пахта топшириш юзасидан олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун бошланган умумхалқ харакатида касаба союз ташкилотларининг ўрнини белгилаб олишга бағишланди.

Ўзбекистон касаба союзлари Советининг раиси С. Н. Нуриддинов ўз докладида ва нотиқлар нутқларида асосий эътиборни республика колхоз ва совхозларида пахта етиштириш йиллик планини муваффақиятли бажариш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленуми белгилаган тадбирларни амалга ошириш масалаларига қаратдилар.

Ҳар йили хосилдорликни ошириб, белгиланган марралардан ўзиб кетган ва гектаридан 25-30 центнер ва бундан ҳам кўпроқ «оқ олтин» топшираётган илғор пахтакор совхозларнинг коллективлари ўрнак қилиб кўрсатилди. «Совой» ва «Сурхон» совхозларининг коллективлари олинган мажбуриятларни бажара бориб, кўкламги дала ишларини муваффақиятли олиб бормоқдалар.

Аммо, пленумда кўрсатиб ўтилганидек, касаба союз Советлари ва комитетлари илғор хўжаликларнинг тажрибаларини суст ўрганмоқдалар ва бу тажрибаларни ёйишга етарли эътибор бермаётирлар.

Пленумда механизатор кадрларни ўқитиш масалаларн ҳар тарафлама муҳокама қилинди.

«Қўшнинг орқада қолаётган экан, унга ёрдам бер» деган коммунистик принципни ўз ишларига асос қилиб олган илғор хўжаликларнинг ватанпарварлик ташаббуси пленумда қизғин маъқулланди. «Совой» совхозининг мутахассислари «Ойим» совхозига бориб, пахта етиштиришдаги прогрессив усулларни ўзлаштиришда шу совхоз коллективига ёрдам бермоқдалар. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ходимлари аниқ квадратлар ҳосил қилиш усулини 1-«Оққўрғон» совхозидаги ўртоқларига ўргатмоқдалар.

Пленум қатнашчилари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпконинг нутқини зўр иштиёқ билан тингладилар. Валентин Тюпко пахта етиштириш процессларини комплекс механизациялаш, пахтанинг таннархини камайтириш учун муваффақиятли кураш олиб бориш соҳасидаги бой тажрибаларини пленум катнашчиларига сўзлаб берди. Донгдор механизатор орқада колаётган 2-«Оққўрғон» совхозида комплекс механизациялаштирилган саккиз звено тузгани ва бу звеноларнинг дастлабки ишлари тўғрисида гапирди.

Бир қанча совхозларда илғор тажриба мактабларининг машғулотлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Аммо уларнинг иш самараларидан ҳамиша яхши фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Д. С. Ёдгоров шу тўғрида гапириб, ана шу мактабларни тамомлаб чиққан ёшлардан ишда кўпинча нотўғри фойдаланилаётганлигини айтди.

Мирзачўлдаги «Фарҳод» совхози касаба союз ташкилоти ва маъмуриятининг барча трактор-далачилик бригадаларида хўжалик ҳисоби жорий қилишдаги иш тажрибаси пленум қатнашчиларини жуда қизиқтирди.

Пленум қатнашчилари совхозлардаги касаба союз комитетлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жиддий эътибор беришлари, кўклам экиш ишларига ҳозирлик кўришдаги камчиликларни тезликда тугатишга астойдил эришишлари лозим эканлигини уқтириб ўтдилар.

Тошкент саноат область касаба союз совети ташкилот бюросининг раиси Ю. В. Володин, республика қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрининг ўринбосари П. М. Тимофеев қишлоқ хўжалиги буюртмалари қандай бажарилаётганлиги устидан жамоат контролини кучайтириш муҳим эканлиги тўғрисида, шаҳарлар қишлоқларни ўз оталигига олиб, катта ёрдам бериши зарур эканлиги тўғрисида гапирдилар.

Пленумда қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан коллектив шартномалар қандай бажарилаётганлиги устидан контроль масалалари кескин суратда ўртага қўйилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов нутқ сўзлади.

Пленум касаба союз ташкилотларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленуми қарорларини бажаришга қаратилган тадбирларини тасдиқлади.

Ўрт илғор совхоз — «Сурхон», «Совой», «Комсомол 30 йиллиги», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозларининг вакилларига тантанали вазиятда ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроқлари топширилди. Ана шу совхозларнинг коллективлари гектаридан камида 25 центнер пахта етиштириш ва пахта етиштиришга бўладиган сарфларни камайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси натижасида ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроқларини олишга муваффақ бўлдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, ВЦСПС ташкилот инструкторлик бўлимининг мудири Ф. Е. Бармасов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ТУРКМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

АШХОБОД. (ТАСС). Яқинда Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қўкламги дала ишларининг бориши тўғрисидаги ҳамда республика колхоз ва совхозларининг чигит экишга тайёрлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Бу ҳақда Туркманистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Б. Овезов** доклад қилди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети нинг секретари Ф. Р. Козлов ва КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг раиси **В. Г. Ломоносов** қатнашдилар. **Ф. Р. Козлов** пленумда нутқ сўзлади.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам қараб чиқилди. Пленум Туркманистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари ва Президиуми аъзоси **М. А. Пименовни** ўз вазифасидан озод қилди. Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ва Президиуми аъзоси қилиб **В. Н. Рижов** сайланди.

ЎҚУВЧИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БРИГАДАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ ВА АЪЗОЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СЛЁТИ

МОСКВА, 27 март. (ТАСС). Бугун Ленинские Горидаги Пионерлар саройида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари бошлиқлари ва аъзоларининг биринчи Бутуниттифоқ слёти очилди.

Слёт президиумида Д. С. Полянский, Л. Н. Ефремов ўртоқлар, Украинанинг донгдор ғаллакори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Г. Заглада, машҳур механизатор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Светличний ва бошқалар ўтиришибди.

Слётни ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов очди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов «Ўқувчилар бригадалари — коммунизмнинг актив қурувчиларини тарбиялаш мактабидир», деган темада доклад қилди.

БУГУН Тошкентда республика медицина ходимларининг V съезди очилади. Суратда съезд делегатларидан бир группаси (чапдан ўнгга): олдинги қаторда — республика онкология диспансери радиология бўлимининг мудири Г. С. Икромова, Сурхондарё область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири К. И. Мамедов, Сирдарё областидан келган бактериолог врач П. Т. Базалеева, Нукусдаги туғруқхонанинг бош врачи Ғ. А. Осмонова, Андижон область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Н. Усмонов, юқоридаги қаторда: Самарқанддаги республика касалхонасининг бош врачи Р. Фарҳодий, Фарғона область санитария-эпидемия станциясининг бош врачи А. Маҳмудов, Сирдарё даволаш-санитария бирлашмасининг бош врачи Қ. Холиқов, Самарқанд область аптека бошқармасининг бошқарувчиси С. Салохов, Сирдарё область санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи Э. Авазов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида, уларнинг моддий фаровонлигини ҳар томонлама яхшилаш ва маънавий турмуш даражасини доимо бойитиб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилиш Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бутун фаолиятининг асл мақсадидир. Партия меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини юксалтириб бориш ишларини коммунизм қуриш учун олиб борилаётган умумий курашнинг ажралмас қисми, деб қараши талаб қилади.

Республика аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масалани қараб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети таъкидлайдики, етти йилликнинг ўтган йиллари ичида Ўзбекистон меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлигида, улуғ рус халқининг ва Совет Иттифоқидаги бошқа халқларнинг доимо кўрсатиб келаётган қардошларча ёрдами туфайли Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда янги муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Партиямиз тарихий XXII съездининг ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган Пленумларининг қарорлари республикамиз меҳнаткаш л а р и нинг сиёсий активлиги ва меҳнатдаги ғайратини янада кучли суратда юксалтириб юборди. КПСС Программасида қўйилган вазифаларни амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР партия ва совет халқининг асосий иқтисодий вазифасини, яъни коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш вазифасини ҳал қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Экономиканинг тез ривожланиб бориши асосида етти йилликнинг ўтган йиллари мобайнида Ўзбекистон меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси янада ошди.

Шу йиллар ичида республикада меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилаш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилди. Шаҳарлар ва қишлоқ жойларидаги юз минглаб меҳнаткашлар янги обод квартираларга олдилар. Республикада уй-жой қурилиши ҳажми йил сайин ортиб бормоқда ва ҳозирги вақтда бу иш ўтган йиллардагига нисбатан янада юқори суръатлар билан олиб борилмоқда.

Кўпгина шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларнинг қиёфаси бекиёс ўзгарди, янги обод социалистик шаҳарлар, колхоз ва совхоз посёлкалари қад кўтарди. Ободончилик юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда, ишлаб турган водопровод, канализация тармоқлари кенгайтирилмоқда ва электр линиялари узайтирилмоқда ҳамда янгилари қурилмоқда.

Ўзбекистонда жуда кўп табиий газ запасларининг топилганлиги ва улардан фойдаланилаётганлиги меҳнат ва турмуш маданиятини янада юксалтириш учун жуда қулай шароитлар вужудга келтирди. Ҳозирги вақтда 230 йирик саноат корхонаси ва меҳнаткашларнинг 185 минг квартираси газлаштирилди.

Электрлаштиришни ривожлантириш республика аҳолиси кенг қатламларининг моддий фарғати ва маданиятини янада юксалтиришда жуда катта аҳамиятга эгадир. Энг йирик электростанциялар — Оҳангарон, Тошкент, Навоий ГРЭСлари, Чорвоқ гидроэлектростанцияси қурилиши ва электр шохобчаларининг кенгайтирилиши Ўзбекистоннинг экономикаси ва маданиятини ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишни таъминлайди.

Республикада саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тез ўсиши, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришнинг кескин ортиши совет савдосини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиб берди. Етти йилликнинг 4 йили мобайнида давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборати 25 процентдан зиёд ортди ва умумий овқатланиш корхоналарининг обороти 31 процент кўпайди.

Ана шу йиллар мобайнида аҳолига кийим-кечак, пойафзал, хўжалик ва маданий-маиший товарлар, гўшт, ёғ, сут ва сабзавот сотиш анча ортди. Маиший хизмат кўрсатиш ишлари яхшиланди. Маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар икки баравар кўпайди.

Аҳолининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси тинмай ўсиб бораётганлиги, медицина муассасаларининг кенг шохобчалари вужудга келаётганлиги, медицина фанининг муваффақият билан ривожлана бораётганлиги натижасида меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Республикада ўлим революциядан илгариги даврдагига нисбатан 3 баравар камайди, кишиларнинг умр кўриши эса 2 баравардан зиёд узайди.

Ҳозирги вақтда республикада қариб 10 минг касалхона, амбулатория, поликлиника ва бошқа медицина муассасалари бор, уларда 13 мингга яқин врач ва 40 минг ўрта медицина ходими ишламоқда. Янги санаторийлар ва дам олиш уйлари очилди, мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларининг шохобчалари анча кенгайди. Физкультура ва спорт халқимиз турмушига тобора мустаҳкам кириб бормоқда.

Ўзбекистон ССРда халқ интеллигенциясининг жуда кўп кадрлари етишиб чиқди, маданий-оқартув муассасаларининг кенг шохобчалари: клублар, кутубхоналар, театрлар, музейлар барпо этилди. Радиоэшиттириш ва телевидение тармоқлари кенгайди. Маданий фронт соҳасида ишловчи ходимлар меҳнаткашларга совет ватанпарварлиги руҳида, халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм руҳида коммунистик тарбия бериш юзасидан кун сайин катта ишлар олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳисоблайдики, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган даража аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларидан ҳали ҳам орқада қолмоқда. Республикада аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш соҳасидаги мавжуд имкониятлардан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаётир.

Баъзи бир министрликлар, бошқармалар, маҳаллий Совет ва хўжалик органларининг ҳамда жамоат ташкилотларининг, корхоналар, совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари ишнинг ана шу муҳим участкасига етарли баҳо бермаётирлар ва меҳнаткашларнинг активлиги, уларнинг давлат планларини ва халқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан республикамиз олган социалистик мажбуриятларни бажариш учун меҳнатда янги муваффақиятларга эришишлари кўп жиҳатдан маиший хизмат кўрсатиш ишларини намунали даражада уюштиришга ҳамда кишиларнинг маданий эҳтиёжларини яхшироқ қондиришга боғлиқ эканлигини лозим даражада ҳисобга олмаётирлар.

Уй-жой қурилиши ва маданий-маиший объектлар қуриш учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлардан тўла фойдаланилмаётганлиги катта камчиликлардан биридир. Етти йилликнинг ўтган 4 йили мобайнида ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағдан 3 миллион сўмдан кўпроғи фойдаланилмай қолди. Уй-жой майдонларини фойдаланишга топшириш етти йиллик план топшириқларидан ҳали анча орқада қолмоқда Ана шу йиллар мобайнида аҳолига 700 минг квадрат метрга яқин уй-жой кам берилди. Маҳаллий Советлар мавжуд уй-жой фондини ободонлантириш ишларини яхшилашга кам эътибор бермоқдалар. Бу иш айниқса Фарғона областида ёмон аҳволда. Бу ерда область маҳаллий Советларига қарашли бутун уй-жойларнинг 20 процентдан кўпроғи эскириб яроксиз бўлиб қолган уйлардир.

Бир қанча область, шаҳар ва районларда мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари, клублар, кинотеатрлар, кутубхоналр, коммунал ва савдо-сотиқ объектлари қуриш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Фойдаланишга топширилаётган янги объектларнинг сифатини анча яхшилаш талаб қилинади.

Шаҳарлар, район марказлари, қишлоқлардаги колхоз-совхоз посёлкаларининг коммунал хўжалиги ва ободонлиги ўсиб бораётган талабларидан ҳали ҳам орқада қолмоқда.

Республикамиз аҳолиси водопровод суви билан 50 процентдан камроқ таъминланган. Кўпгина шаҳарларда канализация йўқ, қишлоқ жойларда ҳаммомлар кам, бунинг устига ҳаммомлар кам қурилмоқда. Кўкаламзорлаштириш ва сув чиқариш тадбирлари қониқарсиз олиб борилмоқда, ҳавонинг, тупроқ ва сувнинг ифлосланишига қарши қатъий кураш олиб борилмаётир.

Аҳолига пассажир транспорти билан хизмат кўрсатиш даражаси паст. Пассажирларга эътиборсизсизлик қараш, айрим транспорт ҳайдовчилар ва кондукторларнинг қўпол муомалада бўлиши фактлари тугатилган эмас.

Ремонт парки ишларининг даражаси ҳам аҳолининг ўсиб бораётган талабларига жавоб бермаётир.

Республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги ҳамда транспорт ташкилотларининг раҳбарлари аҳолига маданий хизмат кўрсатиш масалалари билан яқиндан шуғулланмаётирлар.

Шаҳарларда ва айниқса қишлоқларда савдо-сотиқ ишларида кўпгина камчиликлар борки, бу камчиликлар меҳнаткашларнинг ҳақли таънасига ва шикоятларига сабаб бўлмоқда. Бир қанча жойларда савдо корхоналари шохобчаларини кенгайтириш тўғрисида етарли ғамхўрлик кўрсатилмаётир. Савдо ташкилотларидаги айрим раҳбарларнинг нўноқлиги ва ишга масъулиятсизлик билан қараши натижасида аҳолини энг зарур товарлар билан таъминлашда узилиш ҳоллари рўй бермоқда, ҳолбуки бу товарлар база ва складларда етарли миқдорда мавжуддир. Савдо ишларида прогрессив иш формалари суст жорий этилмоқда, кўп магазинларда харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти паст, Совет савдоси қоидаларини бузиш фактлари ҳануэгача тугатилмаган. Аҳолининг умумий овқатланишга бўлган эҳтиёжи ёмон қондирилмоқда.

Республика Савдо министрлиги ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, шунингдек маҳаллий Советлар шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида сут-сабзавотчилик хўжаликларини вужудга келтириш масалаларини бир мақсадни кўзлаб, қатъият билан ҳал қилмаётирлар. Ҳозирги вақтгача паринк-теплица хўжаликларини, айниқса, сабзавот ўстириладиган шундай хўжаликларни ривожлантириш масаласи ҳал қилинган эмас.

Маккажўхоридан ва маккажўхори аралаштириб озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш республикада ҳали ташкил қилинмаган деса бўлади.

Республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш доираси гарчи ҳамиша кенгайиб бораётган бўлсада, лекин бундай хизмат кўрсатиш даражаси, айниқса, қишлоқларда ҳали ҳам аҳолининг ўсиб бораётган талабларидан орқада қолмоқда. Шунга қарамай, бир қатор республика ва маҳаллий Совет ҳамда хўжалик органлари, шунингдек жамоат ташкилотлари бу соҳага кам эътибор бермоқдалар. Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш ишларини уюштириш вазифасини бажарувчи матлубот кооперацияси 1962 йилда маиший хизмат кўрсатиш планини атиги 31,4 процент бажарди. Матлубот кооперациясининг раҳбарлари бир қанча аҳоли яшайдиган пунктларда маиший хизмат кўрсатиш устахоналари йўқлигига ва меҳнаткашлар энг оддий маиший хизматлардан ҳам фойдалана олмаётганлигига муросасозлик билан қараб келмоқдалар. Шу вақтгача мактабларда болаларни овқат билан таъминлаш масаласи ҳал қилинган эмас, кўпгина мактабларда, айниқса қишлоқ жойлардаги мактабларда ошхона ва буфетлар йўқ.

Меҳнаткашлар соғлиғини мустаҳкамлаш соҳасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ишида ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор. Қишлоқ аҳолисига медицина ёрдами кўрсатиш шаҳарларда кўрсатилаётган медицина хизмати даражасидан ҳали анча орқададир. Баъзи медицина муассасалари ноқулай биноларда жойлашган. Бир қанча касалхоналар ва поликлиникаларда беморларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифати ҳозирги талаблардан орқада. Шаҳарлар, район марказлари ва қишлоқларда санитария маданиятини юксалтириш, уй-жойлар ва ҳар бир аҳоли яшайдиган пунктни озода тутиш учун аҳолининг оммавий ҳаракатини уюштириш ишлари суст ташкил этилган.

Республикада мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари шохобчаларини кенгайтириш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, лекин бу соҳадаги ишлар ҳамон оғир аҳволда қолиб келмоқда.

Баъзи министрликлар ва бошқармалар, совет ва хўжалик органларининг ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари болалар муассасаларини кенгайтириш ишларини сусткашлик билан ҳал қилмоқдалар.

Аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишларини уюштиришда жиддий камчиликлар бор. Кўпгина клублар, маданият уйлари, кинотеатрлар, кутубхоналар, парклар ва бошқа маданий-оқартув муассасаларининг ишлари кўпинча паст савияда бўдиб, ҳаётдан ва коммунистик қурилиш практикасидан ажралган ҳолда олиб борилмоқда. Маданий-оқартув муассасалари ва Коммунистик партия ва Совет ҳукумати амалга ошираётган тадбирларнинг мазмуни ва моҳиятини аҳолига етарли равишда тушунтириб бермаётирлар. саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг илғор тажрибаларини, новаторларнинг ва коммунистик меҳнат коллективларининг тажрибаларини кам ёймоқдалар.

Кўпгина маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятида, айниқса қишлоқ жойларида, аниқ мақсадни кўзлаб конкрет иш олиб бориш қоллари кам учрайди, аҳоли табақаларининг профессионал ёш ва бошқа хусусиятлари ҳамиша ҳам ҳисобга олинаётир, деб бўлмайди. Қишлоқларда илмий-атеистик пропаганда ҳамда консерватив традицияларга, урф-одатларга ва диний сарқитларга қарши кураш ишлари ҳамон суст олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда республикада колхоз клубларининг шохобчалари бирмунча қисқариб кетганлигига ва маданий-оқартув муассасалари учун биноларнинг кам қурилганлигига йўл қўйиб бўлмайди.

Меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, маданий-оқартув муассасалари ташкил қилиш учун кам бино ажратмоқдалар. Савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда маиший объектлар, аптекалар ва шунинг сингарилар қурилиши учун уй-жой қурилиши ажратмалари ҳисобидан берилаётган капитал маблағлар деярли бутунлай фойдаланилмай қолмоқда.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишида, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш ишларини уюштириш масалаларида жиддий камчиликлар мавжудлигини қайд қилиш билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳисоблайдики, Узсовпроф ва меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари бу соҳада жиддий нуқсонларга йўл қўйганлар. Чунки улар сўнгги йилларда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш учун курашнинг энг муҳим формасини, яъни областлар, шаҳарлар, район марказлари, қишлоқлар, колхозлар ва совхозлар, саноат корхоналари ва маданий муассасаларнинг бу соҳадаги социалистик мусобақасини уюштиришни сусайтириб юборганлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети қайд қиладики, республикадаги баъзи бир министрликлар ва бошқармалар, шунингдек меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Ўзбекистон ССР аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида» 1959 йил 21 майда чиқарган Қарорини амалга ошириш ишида етарли даражада қатъиятлик кўрсатмаганлар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. КПСС Программасининг совет халқи моддий фаровонлигини ва маданий савиясини узлуксиз юксалтириш тўғрисидаги талаблари асосида республика аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни бундан буён тубдан яхшилаш соҳасида бир қатор тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг, министрликлар ва бошқармаларнинг, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблансин.

Совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг, саноат корхоналарининг, қурилишларнинг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари аҳолининг эҳтиёжлари тўғрисида тинмай гамхўрлик қилиб боришлари ва меҳнаткашларнинг тобора ўсиб бораётган моддий-маиший ва маданий талаб эҳтиёжларини қондириш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришлари зарур

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, министрликлар ва бошқармалар, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари зиммасига уй-жой ва маданий-маиший қурилишга раҳбарлики яхшилаш, шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлардан тўла фойдаланишни таъминлаш ва уй-жойларни, мактабларни, касалхоналарни, дорихоналарни, болалар муассасаларини, маданият уйларини, клубларни, магазинларни, ошхоналарни, маданий хизмат кўрсатиш комбинатларини, ҳаммомлар ва шу сингарилэрни фойдаланишга топшириш юзасидан план топшириқларининг ўз вақтида бажарилишига эришиш вазифаси юклатилсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, министрликлар, бошқармаларга ва маҳаллий Советларга газ шохобчалари қуриш ва саноат ҳамда турмуш эҳтиёжларини газ билан таъминлаш юзасидан 1963 йил халқ хўжалик планида белгиланган топшириқларнинг бажарилиши устидан кундалик контроль ўрнатиш, йирик саноат корхоналарини газ ёнилғисига кўчиришни асосан 1963 йилда тамомлаш, коммунал-маиший корхоналарни кенг миқёсда газнификация қилиш топширилсин. Сессия Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигининг ва қурилиш ташкилотларининг 1963 йилда пландан ташқари 10 минг квартирани қўшимча равишда газ билан таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларни маъқуллайди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бу тадбирни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни ҳал этиш топширилсин.

4. Аҳолини водопровод суви билан таъминлаш, шунингдек шаҳарларни канализациялаш биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига коммунал хўжаликнинг ана шу тармоқлари юзасидан етти йиллик планни муддатидан олдин ва ошириб бажариш соҳасида қўшимча тадбирлар кўриш топширилсин.

5. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига электр энергияси истеъмол қилувчиларга энергосистемалар ва район электростанцияларидан электр энергияси бериш ҳисобига республика районларини ёппасига электрлаштириш соҳасидаги ишларни кенг авж олдириб юбориш тсширилсин

6. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари ҳамда республика коммунал хўжалик министрлиги зиммасига қуйидагилар юклатилсин:

а) уй-жой фондини сақлаш соҳасидаги жиддий камчиликларни тугатиш, уй-жой фондини капитал ремонт қилиш учун ажратилаётган маблағларни ўз жойига сарфлашни таъминлаш ва яқин йиллар ичида ремонт-қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларини барпо этиш юзасидан зарур чоралар кўрилсин;

б) аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш ва бунда мавжуд ҳаммом-кир ювиш хўжаликларидан фойдаланишни яхшилашга ҳамда уни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилсин.

7. Шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ишлари кескин орқада қолаётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига шаҳарлар атрофида кўкатзорлар ташкил қилиш, шу жумладан Тошкент шаҳри атрофида марказий кўкатзор ташкил қилиш масаласини ҳал этиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Госстройи зиммасига 1965 йилгача Ўзбекистон шаҳарларини кўкаламзорлаштиришнинг бош схемаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети муҳокамасига киритиш вазифаси юклатилсин.

8. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Тошкент, Самарқанд шаҳарларида трамвай-троллейбус хўжалигини янада ривожлантириш, шунингдек республиканинг бошқа йирик шаҳарларида, жумладан, Андижон, Фарғона, Бухоро, Қўқонда ва бошқа шаҳарларда транспортнинг бу турларини ривожлантиришни назарда тутиб шаҳар транспортини ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш вазифаси топширилсин.

9. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» правлениеси, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига аҳолига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш тадбирларини кўриш вазифаси топширилсин.

Савдо ходимларининг вазифаси истеъмолчиларнинг талабларини кун сайин ўрганиб боришдан, ишлаб чиқаришнинг талабга мувофиқ бўлишига эришишдан, харидорларга энг яхши, юксак маданий хизмат кўрсатишдан, давлат ва меҳнаткашлар мулкини талаётган ҳар турли ўғрилар ва муттаҳамларни бутун совет жамоатчилиги ёрдамида ўз ораларидан қатъиян ҳайдаб чиқаришдан иборат.

Совет савдосининг ҳар бир ходими ўз бурчини ҳалол ва виждонан бажариш билан намуна кўрсатмоғи лозим.

10. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» правлениеси зиммасига, сабзавот, картошка ва мева тайёрлаш, уни сақлаш, қайта ишлаш ҳамда янги ва қайта ишланган сабзавот, картошка ва мевалар билан йил бўйи савдо қилишни таъминлаш учун моддий-техника база яратиш вазифаси юклатилсин.

11. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети зиммасига қуйидагилар юклатилсин:

а) шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида сут-сабзавот ўсимликларини барпо қилиш масаласи қараб чиқилсин, парник-теплица хўжалиги шохобчаларини ривожлантириш назарда тутилсин;

б) Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши билан биргаликда маккажўхори ва картошкадан озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаб чиқарадиган ҳозирги замон саноатини барпо қилиш тадбирлари ишлаб чиқилсин;

в) 1963 йилда ва ундан кейинги йилларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда яқин йилларда новвойхоналарнинг, гўшт, сут ва мевасабзавотни қайта ишловчи, минерал сувни идишларга қуйиб чиқарувчи, спиртсиз ичимликлар ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи саноатнинг қувватини ошириш юзасидан қўшимча тадбирлар кўрилсин.

Болалар учун кийимлар, пойафзаллар, мебеллар, спорт товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, уларнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

12. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» правлениеси ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари зиммасига шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда магазинлар ва ошхоналарнинг тўғри жойлаштирилишини таъминлаш вазифаси юклансин. Шаҳар чеккаларида, посёлкаларда ҳамда узоқ қишлоқлар ва яйловларда яшовчи аҳолига нормал савдо хизмати кўрсатиш назарда тутилсин;

Савдонинг аҳоли учун катта қулайликлар туғдирадиган янги прогрессив формалари секинлик билан ёйилаётганлигини назарда тутиб, савдо соҳасидаги ҳамма янгиликларни, илғор тажрибани кенг ёйиш, савдо-технологияни ускуналарини, савдо автоматларини, махсус подъёмниклар ва транспорт воситаларини жорий қилиш, қадоқланган товарлар сотиш ва хизматлар таъминлансин.

Республикадаги мактаблар, касалхоналар, мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» правлениеси ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон ССР Олий Совети республика аҳолисининг моддий фаровонлиги ошганлиги, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш тобора ривожланиб бораётганлиги туфайли чакана савдони ҳамда чакана савдонинг моддий техника базасини ривожлантириш юзасидан белгиланган етти йиллик планни муддатидан илгари, 1964 йилда бажариш учун зарур шарт шароит яратилганлигини қайд қилади ва барча давлат ва кооператив савдо ходимларини бу фахрли вазифани ҳал этишга чақиради.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» правлениеси зиммасига республикада савдони ривожлантиришнинг етти йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун барча зарур тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

14. 1963-65 йиллар мобайнида аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматнинг ҳажмини уч баравар, кишлокда эса етти-саккиз баравар кўпайтириш — меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, «Узглавбит» ва «Ўзбекбирлашув» олдига энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилсин.

Ҳозирги вақтда аҳолига хизмат қилиб турган, лекин мослаштирилмаган майда устахоналарнинг кўпчилигини ёпиш учун, шу вақт мобайнида маиший хизмат кўрсатиш комбинатларининг кенг шохобчасини ривожлантириш назарда тутилсин.

Ўзбекистон ССР Госпланига шунга мувофиқ равишда 1963 йилда ва ундан кейинги йилларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш юзасидан топшириқларни, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналар қуриш юзасидан капитал ишлар ҳажмини кўпайтириш вазифаси топширилсин.

«Углавбит»га, «Ўзбекбирлашув» билан биргаликда, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар типларини ишлаб чиқиш, уларни ҳозирги замон механизмлари, мебеллар ва ҳоказолар билан ускуналаш ва жиҳозлаш вазифаси топширилсин.

«Узгосстрой»га маиший хизмат кўрсатувчи типовой объектларни лойиҳалаш бўйича «Узглавбит» билан «Ўзбекбирлашув»нинг таклифларини караб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин.

15. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги зиммасига қўйидагилар юклансин:

а) аҳолига кўрсатиладиган барча хилдаги алоқа хизматининг маданияти ва сифати оширилсин, автомат-телефон станциялар шохобчаларини ривожлантириш тезлаштирилсин, шаҳарларда умум фойдаланадиган телефонлар ва квартира телефонлари сони анча оширилсин. Телевизорлар ва радиоприёмникларни ремонт қилувчи шохобчалар, алоқа бўлимлари ва шаҳарлараро гаплашиш пунктлари шохобчаси кенгайтирилсин;

б) радио-телевидение трансляция шохобчасининг ишини янада яхшилашга эришилсин, республикани ёппасига радиолаштириш ва телевизорлаштириш масалалари тезда ҳал этилсин. Бунинг учун биринчи навбатда, Нукусдаги телевидение марказини қуриш ва Сурхондарё областида телевизион ретрансляция иншоотларини такомиллаштириш ишлари тугаллансин.

16. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари зиммасига қуйидагилар юклатилсин:

а) аҳолига медицина хизмати кўрсатиш савияси оширилсин ҳамда КПСС Марказий Комитети ва ССР Министрлар Советининг «Медицина хизматини ва ССР аҳолисининг соғлиғини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» 1960 йил 14 январда чиқарган қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг 1960 йил 21 мартда қабул қилган 257-сонли қарорида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишига эришилсин;

б) қишлокдаги даволаш муассасаларини йириклаштириш ва уларнинг ихтисослаштирилган бўлимларини кўпайтириш йўли билан малакали ва ихтисослашган медицина ёрдамини қишлоқ аҳолисига янада яқинлаштириш таъминлансин;

в) республикада қойкалар сонини 1965 йилнинг охиригача 85 минггача етказилсин, аҳоли орасидаги юқумли касалликларни, аввало сил касаллигини, ичак инфекциясини ва замбуруғ касалликларини кескин равишда камайтиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин. Яқин икки йил ичида трахома касаллиги тамомила йўқотилсин;

г) аҳолининг барча категориясига медицина хизмати кўрсатишнинг энг прогрессив формаси бўлган диспансер методи бутун чоралар билан кенгайтирилсин.

17. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин:

а) республикада мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларини шохобчаларини янада кескин равишда кенгайтириб, улардаги ўринлар сони 1965 йилнинг охиригача 300 мингга етказилсин;

б) шаҳарларда ва аҳоли яшайдиган пунктларда ҳаво, ер ва сувнинг ифлосланиши тугатилсин.

18. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Узсовпроф ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари зиммасига қуйидагилар юклатилсин:

а) аҳоли орасида олиб бориладиган маданий-оқартув ишларига раҳбарлик яхшилансин, бундай ишлар ҳозирги замон талаблари даражасига етказилсин ва бундай ишлар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш вазифаларига самарали хизмат қиладиган бўлсин.

Маданий-оқартув муассасаларининг бутун фаолияти марксизм-ленинизм идеяларини чуқур ва ҳар томонлама тушунтиришга, меҳнаткашларни, айниқса ёшларни совет халқининг революцион ва меҳнат традицияларн асосида, социалистик Ватанга чексиз садоқат, пролетар интернационализми руҳида, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида ҳамда социалистик ахлоқнинг юксак принципларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилмоғи лозим;

б) барча маданий-оқартув муассасалари ва томошахоналар зарур ускуналар ва аппаратура билан таъминлансин, маданият муассасалари ишини ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатиш учун колхоз ва совхозларга тажрибали маданий-оқартув ходимлари юборилсин, маданий-оқартув ишларининг янги формалари — маданият университетлари, халқ ҳаваскорлар театрлари, музика коллективлари ва ҳоказолар кўпайтирилсин, бундай иш формаларини қишлоқларда кенг авж олдиришга алоҳида эътибор берилсин, жамоатчилик асосларида ишловчи маданий-оқартув шохобчаларини кенгайтиришнинг кўшимча имкониятлари топилсин ва уларни янада кенгайтириш тадбирлари кўрилсин.

19. Ўзбекистон ССР Госплани зиммасига республика Маданият министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари билан биргаликда 1963 йил 1 июлгача маданий-оқартув муассасалари шохобчаларини, айниқса қишлоқ жойларда янада ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг муҳокамасига киритиш вазифаси юклатилсин.

20. Ўзбекистон ССР Олий Совети ижодий союзларни: ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, кинематографистлар, архитекторлар ва журналистлар союзларини, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини, Ўзбекистон ССР Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятни, республикадаги барча илмий ва ижодий ходимларни ўртоқ Н. С. Хрущевнинг 1963 йил мартида партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат ходимлари билан учрашувида сўзлаган нуткида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш учун барча зарур чораларни кўришга чақиради.

21. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари зиммасига аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва муассасалар учун кадрлар танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини яхшилаш, ходимларнинг бу категориясини ҳалоллик, ишнинг аниқ ташкил қилиниши учун юксак масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш, кишиларга бефарқ ва эътиборсизлик билан қараш дек ҳар бир фактга ўткир принципиал баҳо бериш вазифаси юклансин.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчи ходимларга юксак талабчан бўлиш билан бирга, уларга эътибор билан, ўртоқларча муносабатда бўлиш, уларнинг меҳнатини қадрлаш ва ҳурмат қилиш, виждонли ва ҳалол ходимларни рағбатлантириш лозим.

22. Ўзбекистон ССР Госплани зиммасига министрликлар ва бошқармалар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари билан биргаликда уч ой муддат ичида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш эҳтиёжлари учун кадрлар тайёрлашни янада кенгайтириш ва яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни республика ҳукуматининг муҳокамасига киритиш вазифаси юклансин.

23. Олий Совет Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари асосий эътиборини аҳолининг моддий ва маданий талабларини қондириш юзасидан амалий вазифаларни ҳал қилишда уларнинг роли ва масъулиятни, айниқса ҳозирги вақтда бекиёс даражада ўсганлигига қаратади.

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ БУТУН АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ВА ДОИМ ЯХШИЛАБ БОРИШ ТУҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ ВАЗИФАСИНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛГАН БИРДАН-БИР ДАВЛАТДИР. БУ ВАЗИФАНИНГ БАЖАРИЛИШИ БИР ҚАТОР СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ВА МЕДИЦИНА ТАДБИРЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ. ҚАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ВА УЛАРНИ ҚАТЪИЯН ҚАМАЙТИРИШГА, КЎП ТАРҚАЛАДИГАН ЮҚУМЛИ ҚАСАЛЛИКЛАРНИ ТУГАТИШГА, УМРНИ ЯНАДА УЗАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАРНИНГ КЕНГ ПРОГРАММАСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

(СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИДАН).

Тўхтапўлат Тожибоев Андижон Давлат медицина институтининг ёш доценти. У тери касалликлари билан оғриган беморларнинг секретор функцияси ҳолатини ўрганиш юзасидан илмий иш олиб бормоқда. СУРАТДА (чапдан): лаборатория мудири З. Н. СОКОЛОВСКАЯ ва тери касалликлари кафедрасининг мудири Т. ТОЖИБОЕВлар илмий иш устида.

А. Ворапаев фотоси.

ЦЕХЛАР ОЗОДА БЎЛСИН

Партия, ҳукуматимиз завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, идора ва муассасаларда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун ижодий ташаббус кўрсатиб ишлаётган совет кишиларининг меҳнат шароитларини яхшилаш, саломатликларини асраш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу муҳим ва шарафли вазифани амалга оширишда совет врачларининг, шу жумладан Ўзбекистон медицина ходимларининг роли катта.

Ўзбек халқининг ифтихори «оқ олтин» далаларининг азаматлари, пахтачилик саноати ишчи-хизматчилари саломатлиги, меҳнат гигиенаси илмий асосларини ишлаб чиқиш шу кундаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Бу — ғўза парвариши, пахтани қайта ишлаш ва бошқа пийлларда ҳавонинг тоза, цехларнинг озода бўлишига эришиш, пахтакорлар дам олишини яхши уюштириш демакдир. Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти, Тошкент Давлат медицина институтининг гигиена кафедраси, Марказий пахтачилик илмий текшириш институти, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти, Андижон медицина институти ва бошқа институтлар, муассасалар бу соҳада иш олиб бормоқдалар.

Пахтакорлар ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ишчилари меҳнатини енгиллаштириш ҳамда соғ-саломат ишлашларини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, пахта заводларида автоматдан кенг қўлланиш натижасида юк ортиш ва тушириш сингари оғир меҳнат талаб қиладиган ишлар бутунлай машиналар елкасига юкланди, чанг ва гардларни яхшироқ тортадиган ускуналар ўрнатилди. Натижада ҳаво анча тозаланди. Пахтани қоп-қанорсиз ташишнинг йўлга қўйилиши, тайёрлов пунктларида ва пахта заводларининг қуритиш-тозалаш цехларида янги илғор усулларни қўлланиш кишилар саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лекин бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Баъзи шаҳарларда пахта заводлари ҳамон ҳаво ҳавзининг тоза бўлишига халақит бермоқда. Республикамизнинг пойтахти Тошкентда ҳам худди шундай бўлмоқда. Тошкент пахта тозалаш заводини шаҳарнинг чеккасига кўчириш тадбирлари амалга оширилмаётир. Янги завод қурилиши жуда суст бажарилмоқда.

Пахта чангига қарши курашни ҳам яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Бу чангда турли микроорганизмлар, кремний кислота бўлиб, нафас олганда ишчиларни зарарлаши, нафас йўллари ва ўпка касаллигига мубтало қилиши мумкин. Тошкент Давлат медицина институти меҳнат гигиенаси кафедраси ўзининг бутун фаолиятини шу касалликларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишга қаратган. Тўқимачилик, қоғоз комбинатлари, пахтани қайта ишлаш заводлари ва бошқа корхона раҳбарлари бу соҳада илмий ходимларга яқиндан ёрдам беришлари керак.

Ер заводларида меҳнат шароитини яхшилашда бирмунча муваффақиятларга эришилди. Цехларда иссиқликни бир меъёрда сақлайдиган, оғир ишларни енгиллаштирадиган автоматлар жорий этилди. Лекин бу соҳада ҳам ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Гидролиз заводи чигитдан спирт ва фурфурол ишлаб чиқаради. Фурфурол енгил учувчан модда бўлиб, ҳавонинг ифлосланишига сабабчи бўлади. Бу ишчи-хизматчиларнинг саломатлигига таъсир қилади. Гигиена соҳасида ишловчи илмий ходимлар инженерлар билан ҳамкорликда ҳавони тозалаб турадиган ускуналарни ишлаб чиқдилар. Бу — меҳнат шароитини яхшилаш билан бирга, йилига 50 минг сўм маблағни тежаш имкониятини берди.

Пахтачиликда химиядан фойдаланиш ҳақида ҳам гапириш керак. Чигитни турли касалликлардан асраш, ғўзани ҳашаротлардан сақлаш, баргини тўкиш яна қанчадан-қанча ишларда химия моддаларидан фойдаланилмасдан илож йўқ. Бу моддаларнинг баъзилари масалан, хлор ва фосфорнинг органик бирикмалари аралашмаси деҳқонларни ҳам, шу атрофда яшовчи аҳолини ҳам зарарлаши мумкин. Ана шундай зарарнинг олдини олиш учун республикада санитария-оқартув ишлари кенг миқёсларда олиб борилмоқда — плакатлар, варақалар, брошюралар чиқарилмоқда. Бу соҳадаги ишларнинг муваффақиятли бўлишини таъминловчи кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Зарарли химикатлар илмий текшириш институтларининг тавсияси асосида зарарсизлантирилгандан сўнг қўлланилмоқда.

Вазифа — чигитни дорилаш усулларини мукаммаллаштиришдан, турли ҳашаротларга қарши курашда ишлатиладиган химикатлардан, агрегатлардан фойдаланишнинг янги яна ҳам мукаммал йўлларини ва хилларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборатдир. Афсуски, лойиҳалаштириш ташкилотлари ва пахтачилик бўйича конструкторлик бюроси бу соҳада оқсаб қолмоқда.

Бу масалалар пахтачилик соҳасида қилинадиган гигиена ишларининг бир қисмидир, холос. Шу кунгача қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган машиналар ҳайдовчиларининг меҳнат режими тўлиқ ишлаб чиқилган эмас. Шунингдек, хотин-қиз ишчи, хизматчилар меҳнатини, дам олишини ташкил қилиш масалаларининг фойдали формалари ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистонда пахтачилик билан бирга — ипакчилик, жут, каноп, қорақўл тери саноатлари ҳам кенг ривожланган. Хўжаликнинг бу тармоқларида ҳам меҳнат гигиенасини яхши уюштириш масалалари кенг ишлаб чиқилган эмас.

Бу соҳада қилинган ишларни кенгайтириш ва ҳал қилиниши лозим бўлган зарур масалаларни ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш гигиена соҳасида ишловчи ходимларнинг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

А. З. ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институтининг директори, доцент.

Л. Б. ШРАЙБЕР,
медицина фанлари доктори.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

Диспетчерлик хонаси. Бу ерда телефон тез-тез жиринглаб туради. Навбатчи бирор кишининг тоби қочиб қолганини, кўзи ёрийдиган аёлни туғруқхонага олиб бориб қўйиш зарурлигини эшитаркан, дарҳол ёрдамга шошилади. Ёнига «Тез ёрдам» сўзи ёзилган машиналар айтилган адресларга ғизиллайди...

Тун. Кўчалар бўм-бўш, одамлар уйқуда. Нукус тез ёрдам станциясида ҳаёт қайнайди

— Надежда Михайловна, Жданов номли совхозда чақиришяпти, — деди навбатчи фельдшерга диспетчер Вера Валиева.

«Волга» маркали машина қушдек учиб чиқади-ю, бир зумда кўздан ғойиб бўлади. 20 минут ҳам ўтар-ўтмас айтилган жойга етиб келади. Фельдшер Надежда Михайловна Форш кўзи ёриётган совхоз ишчиси Ботирбекованинг аҳволи билан танишиб, дастлабки ёрдамни кўрсатади ва уни туғруқхонага келтиради.

Телефон жиринглайди.

— Бердах кўчасидаги 130-уйга тезда етиб келишингизни сўраймиз.

Тездан бемор касалхонага келтирилди.

Яна телефон жиринглайди. Бу ерда ҳаёт доим шундай қайнайди. Саломатлик посбонлари кеча-ю кундуз ўз хизматларида ҳозирлар.

И. МАДГАЗИН.

ФАН ДОКТОРИ

Яқинда Тошкент Давлат медицина институтида Самарқанд медицина институтининг доценти Уктам Орипов медицина фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун «Комбинацияли радиацион травмада ампутация кулътясининг шаклланиши ҳамда марказий ва периферик нерв системасидаги ўзгаришлар» деган темада диссертация ёқлади. Профессор М. Н. Ханин, Д. Н. Маҳсумов, А. М. Геллер, Р. И. Данилова, Ф. М. Голуб, Л. Д. Василенко ва А. Г. Тишин ўртоқлар ёш олим У. Ориповнинг ишига юксак баҳо бердилар.

МЕДИЦИНА МУАССАСАЛАРИДА

Меҳнат—соғлиқ, шодлик-завқ гарови. Наманғандаги «Пахтали кўл» санаторийсида беморлар меҳнат билан даволанмоқда. Улар дурадгорлик, гулчилик, боғдорчилик, бичиш-тикиш тўгаракларида қатнашиб, соғайишмоқда.

М. Мирзаев,
М. Азимова.

* * *

Яқинда Хоразм область, Хева шаҳридаги медицина билим юртини 30 йигит-қиз тамомлади. Ёш медиклар областнинг узоқ районларига бориб ишлаш учун жўнаб кетдилар.

О. Сотлиқов.

* * *

Самарқанд шаҳар сил касалликлари касалхонасида беморларнинг даволанишлари учун яхши шароит яратилган. Бу ердаги медицина ходимлари, ҳамширалар беморларнинг тезроқ соғайишлари учун жон куйдиришади. Роза Ҳайруллаева, Лариса Степанова, Зоя Тихоновалар яхши хизматлари билан беморлар ҳурматини қозонишган.

Я. Ражабов.

БУЮК ҒАМХЎРЛИК

Қ. ЗОИРОВ,
Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари.

□ □

Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бу олий мақсад йўлида жуда улкан ишларни амалга оширмоқда. КПСС XXII съезди ва партия Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларидан руҳланган совет кишилари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Совет фани, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам янги чўққилар эгалланмоқда. Халқ фаровонлигининг ошиши, маданий савиясининг ўсиши, даволаш муассасаларининг кўпайиши, соғломлаштириш тадбирларининг кенг кўламда олиб борилиши натижасида аҳоли орасида касаллик анча камайди, умр кўриш узайди. Бунда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1960 йил январда қабул қилган «СССР аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни ва соғлиқни сақлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бу тарихий қарорни бажариш юзасидан республикада соғлиқни сақлаш ишини янада юксалтиришга қаратилган, мавжуд барча имкониятлардан фойдаланиш тадбирларини белгилаб берган қарор қабул қилди. Партия, совет ва жамоат ташкилотлари ёрдамида бу қарорларни амалга оширишда қатор муваффақиятларга эришилди. Масалан, ўтган йили 1959 йилдагига нисбатан полиомиелит билан оғриш 17,2 марта, дифтерия билан оғриш 7,2 марта камайди. Кейинги йилларда стационар ёрдам кўрсатиш кенгайтирилди.

Хўжаликларга раҳбарлик қилишнинг такомиллаштирилиши натижасида маъмурий ва бошқа ташкилотлардан бўшаган биноларнинг медицина муассасаларига берилиши ва янгиларини қуриш ҳисобига 259 та янги касалхона очилди, 300 касалхона кенгайтирилди. Шунингдек, 208 амбулатория, 169 фельдшерлик пункти ишга туширилди. Бундан ташқари 138 клиник лаборатория, 183 рентген ва 94 физиотерапевтика кабинетлари аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Социалистик гуманизмнинг ёркин манзарасини кўрсатувчи бу далиллар партия ва ҳукуматимиз инсон бахти, инсон соғ-саломатлиги йўлида нақадар зўр ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозир Ўзбекистонда 75 минг 660 ўринли 1144 касалхона аҳолига хизмат қилмоқда. Яқин йилларда қишлоқларда медицина хизмати кўрсатишни шаҳардаги даражага кўтарамиз. Бунинг учун район касалхоналари янада кенгайтирилади, улар малакали кадрлар билан, ҳозирги замон медицина асбоб-ускуналари билан таъминланади. Бунинг учун медицина муассасалари қурилишига алоҳида эътибор бериш керак. Афсуски, капитал қурилишлар учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш, медицина объектларини фойдаланишга топшириш планлари муттасил бажарилмай қолмоқда. Бу планларни бажаришда айрим областлар айниқса оқсамоқдалар. Бухоро ва Сурхондарё областларида меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия комитетларининг маҳаллий бюджетлари ҳисобидан соғлиқни сақлаш объектлари қуриш плани 1962 йилда фақат 60 процент бажарилган, битта ҳам янги касалхона фойдаланишга топширилмаган.

Медицина муассасалари тармоғини кенгайтиришга жамоатчилик йўли билан бинолар қуриб, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган илғор колхозларнинг ажойиб ташаббусини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашимиз зарур. Фарғона область, Ленинград районидаги «Ленинград» ва «Большевик» колхозларининг бу соҳада қилган ишлари мактовга сазовордир. Янги медицина муассасалари қуришда Тошкент область Юқори Чирчик районидаги Свердлов номли, Калинин районидаги «Иттифоқ» ва бошқа колхозлар кўрсатган ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаш зарур.

Механизациялашган медицина хизмати кўрсатишда амбулатория—поликлиника ёрдами алоҳида аҳамиятга эга. Республика соғлиқни сақлаш муассасалари амбулатория ва поликлиникалар тармоғини кенгайтириш билан бир қаторда терапевтик ва педиатрия участкаларини йириклаштиришга ҳам катта эътибор бердилар. Республикадаги кўпгина поликлиникалар дам олиш кунлари ҳам ишлашга кўчди. Ҳозир механизациялашган талабларига мувофиқ, беморларни улар учун қулай вақтда қабул қилишга кўчиш учун ҳозирлик кўрилмоқда. Тез ёрдам кўрсатиш ишлари янгича ташкил этилмоқда. Наманган ва Тошкент шаҳар медицина ходимларининг ташаббуси билан жамоатчилик асосида медицина ёрдами кўрсатилмоқда.

Саноат корхоналарида медицина хизматини янада яхшилаш юзасидан ҳам анча ишлар қилинди. Ишчи ва хизматчиларга яхшироқ медицина хизмати кўрсатиш мақсадида медицина-санитария қисмлари йириклаштирилди.

Келажак авлодни тарбиялашда, уларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишида медицина ходимларининг хизмати катталдир. Партия ва ҳукуматимизнинг мазкур тарихий қарори чиққандан буён ўтган уч йилнинг ўзидаёқ бу соҳада анча ишлар қилинди. Болалар даволаш муассасалари тармоғи кенгайтирилди. Ҳозирги вақтда болаларда диспепсия ва пневмания каби касалликларга қарши курашиш учун ҳамма воситалар бор.

Медицина ходимлари болалар ўртасида касалликларнинг олдини олиш ишларига эътиборни кучайтиришлари, уларнинг бақувват, соғлом ўсишлари учун зарур бўлган барча шароитларнинг яратилишига эришишлари, педиатрия хизматини яхшилашлари зарур.

Коммунизмнинг актив қурувчилари — хотин-қизлар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш биринчи галдаги вазифаларимиздандир. Бунда хотин-қизлар консультацияларининг хизмати катта. Туғруқхоналарни кўпайтириш, айниқса қишлоқ жойларда бу соҳада катта ишларни амалга ошириш лозим.

Меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатиш — аҳолини дорилармонлар ва санитария, гигиена буюмлари билан етарли таъминлаш иши билан мустаҳкам боғлиқдир. Ўтган уч йил ичида республикада 200 та, жумладан қишлоқларда 136 та янги дорихона очилди. 85 та йирик поликлиника қошида дорихона филиаллари ва киоскалар ташкил этилди. Лекин, шунга қарамай, республикада дорихона тармоқлари жуда секин кенгаймоқда.

Республика соғлиқни сақлаш органларининг муҳим вазифаларидан бири трахома ва бошқа юқумли касалликларни тугатиш тадбирларини кучайтиришдан иборатдир. Бу муҳим вазифани бажариш учун даволаш-профилактика ва санитария, юқумли касалликларга қарши курашиш муассасалари алоқасини мустаҳкамлаш, илмий текшириш институтлари ва диспансерларнинг ташкилотчилик ролини ошириш, бу ишга корхона, муассаса, совхоз, колхоз ва кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этиш керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистонда юқумли касалликлар билан оғришни тугатиш суръатлари мамлакатдаги бир қатор республикалардан орқада қолмоқда. Биз мавжуд шарт-шароитларни ва имкониятларни ҳисобга олиб, даволаш ва юқумли касалликларга қарши курашиш тадбирларини яхшилашимиз, касалликларни янада камайтиришга ёрдам берадиган ташкилотчилик ишларини юқори даражага кўтаришимиз зарур. Бунда шаҳар ва қишлоқларнинг санитария жиҳатидан обод ва озода бўлиши муҳим роль ўйнайди. Афсуски, кўпгина шаҳар ва қишлоқларда ободончилик ва санитария-гигиена масалаларига етарли эътибор берилмайди. Кўпгина саноат корхоналари чиқинди сувларни ариқларга оқизиб қўймоқда. Шунингдек, ҳавони тоза сақлаш учун ҳам аҳамият берилмаётир. Масалан, Тошкент пахта тозалаш ва карборунд заводлари бир неча йилдан бери ҳавони ифлослаб келади.

Республиканинг қулай табиати, об-ҳаво шароити, курортбоп жойларга бойлиги соғломлаштириш муассасалари тармоғини янада кенгайтириш имкониятини беради. Бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, касаба союз ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада бўлиб, дам олиш уйлари, пионерлар лагерлари, туристик базалар, оммавий дам олиш жойлари тармоғини кенгайтириш чораларини кўриш керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорини амалга оширишда медицина кадрларини тарбиялаш, уларнинг малакасини ва билимини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Кейинги вақтларда олий ва ўрта медицина ўқув юртларига ўқувчилар, студентлар қабул қилиш анча кўпайтирилди. Республика ва маҳаллий базаларда медицина ходимларини маълум бир мутахассисликка чуқур ўргатиш ва малакасини ошириш соҳасидаги ишлар кенгайтирилди. Аммо шунга қарамасдан, медицина кадрларини тарбиялаш ҳозирги талаблардан анча орқада қолмоқда. Медицина муассасалари тармоғи тез суръатлар билан ўсмоқдаки, мутахассис кадрлар, айниқса, ўрта маълумотли мутахассислар етишмай қолмоқда.

Коммунизмнинг муҳташам биноси жадал суръатлар билан қурилаётган ҳозирги даврда медицина ходимларини меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, ўз касбларини севиш руҳида тарбиялаш жуда зарур аҳамиятга эгадир. Бу, соғликни сақлаш органлари ва муассасалари раҳбарларидан кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласида жуда талабчан бўлишни ва улар ҳақида доим ғамхўрлик қилиб туришни талаб этади. Коммунистчасига яшаш ва ишлаш шиори республика медицина муассасалари кўпчилик коллективлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Жамоатчилик асосларида соғликни сақлаш пунктларининг ташкил этилаётганлиги, кўпчилик медицина ходимларининг ўз қонларидан беморларга бераётганликлари, соғликни сақлаш университетлари ва мактаблари ишида актив қатнашаётганликлари, шаҳар муассасаларининг қишлоқ соғликни сақлаш ташкилотларига оталиқ қилаётганликлари буни яққол кўрсатади.

КПСС Программасида аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашнинг аниқ тадбирлари белгилаб берилган. Аҳолига ҳар жиҳатдан қониқарли медицина хизмати кўрсатиш, пулсиз медицина ёрдами бериш билан бирга, дорилармонларни, беморлар учун саноторийларга йўлланмаларни пулсиз бериш ва бошқа кўпгина тадбирлар амалга оширилади.

Республикада 1980 йилгача касалхоналарда ўринларни анча кўпайтириш кўзда тутилади, 1960—1980 йиллар давомида мавжуд тўртта медицина олий ўқув юрти, 12 та илмий текширим институти кенгайтирилади, янги илмий тадқикот институтлари ташкил этилади. 1980 йилга бориб, врачлар ва илмий педагогик кадрлар бир неча кенгаяди.

Мамлакатда ҳамма фанлар қатори медицина фани соҳасида ҳам бир қатор муҳим масалаларни ҳал этиш вазифаси турибди. Жумладан, инсон ҳаёти учун хавфли бўлган касалликларни бутунлай йўқотиш билан бирга юқумли касалликларни тугатиш вазифаси туради.

Ҳеч шубҳа йўққи, республика медицина ходимлари бу муҳим вазифаларни шараф билан бажариш учун, совет кишилари — коммунизм қурувчилари соғ-саломатлиги учун ўз куч-ғайратларини, билимларини, ташкилотчилик қобилиятларини аямайдилар.

ҲИССАМИЗ

Колхозимиз бақувват ва нўп тармоқли хўжаликлардан бири ҳисобланади.

Йилимизнинг навқирон фасли баҳор деҳқонларимизни меҳнат қучоғига чорлади. Экин экиладиган барча майдонлар ишлатилиб, ўғитга тўйдирилмоқда; чорвадорларимиз совлиқлари қўзиламоқда... Меҳнат шавқ-завқи шундай қизғин бораётган кунларда биз қўл қовуштириб турармидик. Кўкламги экиш даври учун колхозимиздаги бешта медицина пунктининг ҳар бири алоҳида иш плани тузиб чиқди. Барча бригадаларда санитария постлари тузилди. Колхозчи 15 далачилик бригадасида махсус аптечкалар ташкил этилди, уларда зарур дори-дармонлар бор. Медицина ходимларимиз даврим ҳар куни бригадаларда бўлиб, колхозчиларнинг сиҳат-саломатлигини текширадилар.

Санитария-гигиена ишларини яхши йўлга қўйишда лекция пропагандасидан фойдаланяпмиз. Шуниси қувончлики, медицина муассасамиз ишида колхозчиларнинг ўзлари актив қатнашмоқдалар. Ҳанифа Ғуломова, Бобоқул Пардаев, Рўзи Уроқова сингари жонкуяр аҳоли орасида санитария-оқартув ишлари олиб боришда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Колхоз участкаларида медицина пунктлари, марказий участкада эса замонавий медицина асбоблари билан жиҳозланган касалхона ва туғруқхона бор. Биз моддий бойлиқ яратаётган меҳнат аҳлининг сиҳат-саломатлиги йўлида янада яхшироқ ишлаймиз.

М. ТУРСУНОВА,
Самарқанд область, Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Крупская номли колхоз касалхонасининг врачи.

КИЧКИНТОЙЛАР ШИФОХОНАСИДА



Тошкент шаҳридаги 6-касалхонада юрак операциялари муваффақият билан ўтказилмоқда. Яқинда бу ерда янги мукаммал медицина аппаратураси ўрнатилди. Суратда (чапдан): факультет хирургияси кафедрасининг ассистенти Э. М. Ходиев, профессор В. К. Ясевич ва врач Р. Алимовлар «АИК-60» маркали сунъий қон айлантирувчи янги аппарат ёнида.

И. Глауберзон фотоси.

Фарзанди юзига терҳужанича унсиз фиғон чекаётган ёшгина жувонга палатадаги оналар далда беришарди.

— Кўп ҳафа бўлаверманг, сингилим, тузалиб қолади.

— Касалхонага келганимда ўғлимнинг аҳволи бундан ҳам оғир эди. Мана, сал кунда ўйнаб-кулиб кетди. Докторларга минг раҳмат...

Шу пайт эшик очилиб, врач Зуҳра Бўтахўжаева кириб келди. Бу меҳрибон, дилкаш аёлни оналар қувсанд қарши олишди. Врач ҳалиги ёш жувон қўлидаги болани қарашга тутинди.

Палатада қизчаси билан ётган Ҳури опанинг касалхонага келган куни эсига тушди. Қизчасининг аҳволи оғир эди. Ўша куни Ҳури опа ҳам қизининг юзига термулганича тонг оттирган эди. Ўшанда шу аёл—Зуҳра опа ғўдак атрофида парвона бўлиб, дори-дармон қилди. Кўп ўтмай қизалоқ тузалиб, онасининг ҳам чиройи ёришди.

Бу шифобахш даргоҳ — Тошкентдаги 1-болалар касалхонаси. Бемор бола қайғуси билан келган оналар уйларига табассум билан қайтадилар. Касалхона шаҳардаги энг йирик болалар шифохоналаридан биридир. Бу ерда 81 юқори малакали врач ва кўпгина медицина ҳамширалари ишлайди. Бу шифокорлар 40 мингдан ортиқ болачинг соғлиғига посбонлик қилишади. Микрорайондаги 17 та мактаб, 16 та болалар боғчаси, учта мактаб-интернат ва бир болалар уйи врачларининг назар-эътиборида бўлади.

— Болалар келажагимиз, уларнинг соғлом бўлиб ўсишлари учун хизматга ҳозирмиз.— дейди касалхона бош врачи А. Жалилов.— Коллективимиз ана шу вазифани бажариш йўлида меҳнат қилмоқда.

Ўз ишига садоқат билан қарайдиган врачлар яқинда яхши ташаббус бошлашди. Улар иш вақтидан ташқари навбатма-навбат Шофайзиқулоқ маҳаллесида ва касалхонанинг ўзида ҳақ олмасдан навбатчилик қилмоқдалар.

Биз юқорида Зуҳра Бўтахўжаевагинанинг номини тилга олдик. Лекин касалхонада ўз хизмати билан ҳурматга сазовор бўлаётган врачлар, медицина ҳамширалари кўп. Улар ўз шарафли касбларини севишади, болалар саломатлиги посбонлигини сидқидилдан бажаришади.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

КАНАЛ ҚУРУВЧИЛАРИ ХИЗМАТИГА

Тошкент тез ёрдам клиникаси пойтахтимиздаги энг йирик даволаш муассасаларидан биридир. Бу ерда ўз касбини астойдил севган, врачлик шон-шарафини доимо юқори тутадиган нишилар ишлашади.

Яқинда бу коллектив яхши ишнинг ташаббускори бўлди. Клиникада ишлайдиган 4 врач ва 5 медицина ходими Аму — Бухоро канали қурилишида меҳнат қилаётган кишиларга медицина хизмати кўрсатиш мақсадида бу ерга доимий ишлаш учун келишди.

УЛУҒ АДИБ ВА ПУБЛИЦИСТ

(М. ГОРЬКИЙ ТУҒИЛГАНИГА 95 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

Буюк пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький бадиий адабиётнинг барча жанрларида самарали ижод қилиш билан бирга, сиёсий-ижтимоий адабиёт ҳисобланган публицистиканинг памфлет, фельетон, прокламация, репортаж, рецензия, очерк каби жанрларида ҳам кўпгина асарлар ёзиб қолдирди. Унинг бу асарлари совет бадиий публицистикасининг ёркин саҳифаларини ташкил этади.

М. Горький ўзининг илк публицистик ижодини 1895 йилда Самарада бошлади. Бу ерда Горький 30 дан ортиқ ҳикоя ва шеърлар, 416 публицистик «очерклар ва наброскалар», «Между прочим» деган умумий сарлавҳа остида 185 та фельетон, 8 ижтимоий масалаларга бағишланган мақола ва бир неча адабий-танқидий мақолалар ҳамда рецензиялар ёзди. М. Горький ўзининг очерклари ва фельетонларида капитализмнинг сохта «цивилизация»сини фош қилди.

Ишчилар темаси рус публицистикаси тарихида ўтган асрда «Современник» журналида кўтарилган эди. Рус публицистикаси традицияларини давом эттириб, Горький ўзининг илк публицистик асарларидаёқ барча меҳнаткаш халқларнинг ижтимоий ва сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиб чиқди. «Худди биздаги каби» мақоласида рус пролетариатининг ҳаёти ғарб пролетариатининг оғир ҳаётига ўхшайди, деган идеяни илгари суради. У, «Сибир цивилизацияси» асарида ишчиларда коллективизм туйғусининг пайдо бўлаётганлигини биринчи марта кўрсатди.

М. Горький очерк ва наброскаларида, хусусан «Кичик фельетон», «Прогресс» каби мақолаларида капитализмнинг талончилик урушларини фош қилиб, бу тузумнинг ўзини «қуролланган дунё» деб таърифлайди.

Ёзувчи 1896 йилнинг 15 майида Нижний Новгородда очилган 16-Бутунроссия бадиий виставкасига «Одесские новости» газетасининг махсус мухбири сифатида келади. Публицист «Бутунроссия виставкаси»дан» умумий сарлавҳаси остида 70 дан ортиқ корреспонденциялар ёзди.

Бу корреспонденциялар асосида ва биринчи планда инсон, халқ, унинг ҳаёти ва интилишлари ётади.

1898 йилдан бошлаб революцион марксистлар томонига ўта бошлайди. Горький марксистларни ҳаётга актив аралашувчилар деб баҳолайди.

М. Горькийнинг мешчанлик ҳақидаги мақолалари социалистик реализм адабиёти тарихида катта аҳамиятга эгадир.

Мешчанлик Горькийнинг тушунишича, хусусий мулкчиликни сақлаб қолиш тарафдори бўлган буржуазия синфи намояндаларига хос хусусиятдир, буржуазиянинг эгоистик психологиясидир. Ёзувчи «Мешчанлик ҳақида қайдлар» асарида пролетариат манфаатлари билан мешчан-либерална р и н г манфаатлари ўртасидаги жиддий зиддият очиб ташланади. Ўша давр мешчанлик либерализмининг шахс озодлиги ҳақидаги қарашлари қуруқ сафсата эканини фош этади. Горькийнинг оддий халқ, пролетариат озодликка чиқмаса, шахс озодлиги ҳақида сўз ҳам бўлмаслиги керак деган фикрлари диққатга сазовордир.

Горькийнинг ижтимоий публицистик фаолиятида Л. Толстой билан қилган мунозараси бутун жамоатчилик фикрини ўзига тортган эди. Пролетар публицисти Толстойнинг «Бизнинг давр қулчилиги», «Ишчи халққа», «Сиёсий арбобларга» каби мақолалари билан танишиб чиқади. Бу мақолаларда Толстой деҳқонларни ва солдатларни помешчикларнинг ерларида ишламасликка ундайди. Сизлар ишламай қўйсаларингиз, — дейди Лев Толстой, — помешчиклар ўз ерларини деҳқонларга бўлиб, улашиб беришга мажбур бўладилар, шу амалга оширилса, ҳаётдаги қарама-қаршилик тугайди, дейди. Революцион марксистларнинг мавжуд тузумни қайта қуриш керак, деган ғояларини ва талабларини Л. Толстой бу — хаёлпарастликдир, деб баҳолайди. М. Горький Л. Толстойнинг бу тарғиботига қарши чиқади. Горькийнинг «Граф Л. Н. Толстойга хат» номли публицистик асари ана шу масалани ўз ичига олади. Шунингдек, М. Горький Л. Толстойнинг улкан ёзувчи эканини таъкидлайди. Толстойнинг публицистик асарларидаги бундай фикрларини танқид қилиб, ҳозирги даврда буржуазияга қарши қатъий қуролли куч билан қаршилик қилиш керак, деган идеяни илгари суради.

Россияда революция авж олаётган даврда, М. Горький Америкада туриб, АҚШнинг жуда кўп шаҳарларида «Подшоҳ, Дума ва халқ» деган темаларда лекция ва докладлар ўқиди ва буларда революция душманларини фош қилди. Рус халқининг қудратли тарихий ҳаракатлари орқасида — революция борлигини, революциянинг орқасида эса — озодлик мавжудлигини кўрсатди.

М. Горький йигирманчи ва ўттизинчи йилларда буржуазия ғарби ва АҚШ, хуллас халқаро империализмни фош қилувчи жуда кўп публицистик асарлар ёзди. Ўзининг жанговар публицистикаси билан халқаро антифашистик ҳаракат тарихида у ҳам, Анри Барбюс, Ромен Роллан каби прогрессив публицистлар қаторида муносиб ўринни эгаллайди.

Империализм лагери ва унинг ҳозирги замон реакцион идеологиясини фош қилишда М. Горький традицияларини совет ёзувчи-публицистлари томонидан ижодий ривожлантирилмоқда. М. Шолохов, А. Толстой, Л. Леонов, Н. Грибачев, П. Тичина, М. Турсунзода, Я. Купала каби совет ёзувчи-публицистлари каби Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Воҳид Зоҳидов, Мақсуд Шайхзода сингари ўзбек ёзувчилари ҳам ўзларининг талантли публицистик мақолалари, репортажлари, йўл хотиралари билан жаҳон империализми, хусусан АҚШ корчалонларини фош қилишда буюк пролетар публицисти Максим Горький традициясини муносиб равишда давом эттирмоқдалар.

М. ҲУСАИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспиранти.

БУЮК СИЙМО

Бугун улуғ пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горькийнинг туғилганига 95 йил тўлади. Москвада буюк ёзувчининг музейи очилганига ҳам 25 йил бўлди. Музейнинг 11 залида ёзувчининг ҳаёти ва ижодини тўла акс эттирувчи 24860 экспонат қўйилган.

Мен музей директори Мстислав Козьмин билан унинг кабинетида суҳбатлашиб ўтирардим. Эшик ярим очиқ эди. Бирдан бир овоз янгради.

— Бу Горькийнинг овози, — деди Козьмин.

Қўшни залда Москва ўқувчилари қўлларига қалам ва дафтар ушлаб ўтиришарди. Улар музей залларини ҳозиргина кўриб бўлишган, ўз таассуротларини дафтарларига ёзиб олишган. Ҳозир эса болалар М. Горькийнинг совет ёзувчиларининг биринчи съездида сўзлаган нутқини тинглашарди. Бу нутқ магнитофон лентасига ёзиб олинган эди.

Музейни келиб кўрган Карло Леви шундай ҳикоя қилади:

— Мени фашистлар қамоққа олишганда, тюрьма кутубхоначиси яширин суратда менга «Она»ни келтириб берди. Мен Горькийнинг ҳамма асарларини ўқиган эдим. Лекин кутубхоначи: «Ахир сиз сиёсий маҳбуссиз» деди...

Жеймис Олдриж музейга совға қилган ўз сурати орқасига шундай сўзларни ёзган: «Бу ерда, музейингизда Горькийнинг ҳаёти ва бадиий асарларига оид ҳамма нарсалар шундай яхши тўпланганки, музейга келишим унинг ижодини, айниқса дастлабки ва бундан кейинги даврдаги ижодини чуқурроқ тушуниб олишимга ёрдам беради. Горький фақат рус ҳидоси — бадиий гигантгина эмас, у ўз замонаси Олимпининг ҳудолари ҳудоси эди, эзилган ва мазлумларни ҳимоя қилиш учун курашган ва ўз халқига бўлган буюк муҳаббатига содиқ қолган киши эди. Горький бизнинг ҳаммамизни руҳлантирмоқда...»

Ҳозир А. М. Горький музейи экспозицияларини жиддий ўзгартишга тайёргарлик кўрилмоқда. Социалистик реализмнинг биринчи асари—«Она» романи халқаро миқёсда қандай таъсир кўрсатганлиги кенг кўрсатилади. Музейга келувчилар ёзувчининг «Клим Самгин» устида қандай ишлаганлиги тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қиладилар. Музей ходимлари М. Горькийнинг В. И. Ленин тўғрисидаги очерклари бутун дунёда севиб ўқилаётганлигини кўрсатувчи экспозицияни ҳам тайёрламоқдалар.

Йил охирида Москвада Алексей Максимович Горькийнинг уй-музейи очилади. Бу ерда ёзувчининг ишлайдиган хонаси, ошхона, ётоқхона ва кутубхонаси кўрсатилади.

Михаил АМЕТИСТОВ,
«Новости» матбуот агентлигининг мухбири.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Яқинда «Пахтаорол» совхозида машинада ҳисоблаш станцияси ишлай бошлади. Машина ишчиларга тўланадиган меҳнат ҳақини ҳисоблайди, бригада ва бўлимларда хўжалик ҳисобини олиб боради, ҳисоботлар тузади. Бу станция тўла фойдаланишга топширилгач, ҳисоблаш ишлари билан машғул бўлган элликка яқин кишини бошқа ишга кўчириш имконн туғилади. Суратда: машинада ҳисоблаш станцияси бошлиғи Ж. Есентоев ва оператор Т. Алехина.

А. Горокрин фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧРАШУВИ

Кеча Тошкент шаҳар журналистлари «Известия» газетаси бош редакторининг ўринбосари Г. М. Ошеверов билан учрашдилар. Ўртоқ Г. М. Ошеверов ҳамкасбларга марказий газеталар ҳаётидаги янгиликлар, журналистика жанрларидаги проблемалар, газета саҳифаларида ҳозирги даврни ва совет кишиларининг юксак маънавий қиёфасини ёркин сатрларда акс эттириш маҳоратини эгаллаш йўллари ҳамда меҳнаткашларни сиёсий-ғоявий жиҳатдан тарбиялашда матбуот олдида турган вазифалар тўғрисида сўзлаб берди.

Бу учрашувда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ТУРЛИ мамлакатлардан ХАБАРЛАР

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА

АҲОЛИ СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Болгария аҳолиси 1887 йилда биринчи марта рўйхатга олинган эди. Мамлакатда ҳаммаси бўлиб аҳолини рўйхатга олиш ўз марта ўтказилди.

Статистик маълумотларга қараганда Болгария аҳолисининг сони 1887 йилда 3 миллион, 1904 йили—4 миллион, 1915 йили — 5 миллион, 1933 йили — 6 миллион, 1945 йили — 7 миллион кишини ташкил этган. Тахминий ҳисобларга қараганда Болгария аҳолиси 1962 йилнинг 31 декабригача келиб 8 миллион 846 минг кишига етган. Бу кейинги 15-16 йил ичида мамлакат аҳолиси тахминан 1 миллион кишига кўпайган.

Болгария пойтахти — Софияда 1962 йилнинг 31 декабригача тахминий ҳисоб бўйича 698 минг 494 киши яшаган.

ҚИШЛОҚДА РАДИО

Разград Болгариянинг энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланади. Бу шаҳар ва унинг атрофидаги Глоджев, Юпер, Хирсов, Тетов, Самуил, Кубрат қишлоқлари тўғрисида революциягача чиқарилган «Русенски областен подем» газетаси 1940 йили атиги бир неча қишлоқдагина биттадан радио точка борлигини қайд қилиб ёзган эди.

Ҳозир эса Разград округи қишлоқларининг радиолаштирилмаган битта ҳам хонадони қолмади. Халқ ҳокимияти йилларида округдаги 50 дан ортиқ қишлоқ тўлиқ радиолаштирилди. Бу ерда 33 та маҳаллий радио уйи ишламоқда. Округ деҳқонларидан 15 минтасининг уйида замонавий радиоприёмниклар бор.

Радио Болгария қишлоқ меҳнаткашларининг маданий турмушига кун сайин сингиб бормоқда.

БОЛГАР МУЛЬТФИЛЬМЛАРИ

Жаҳоннинг 28 мамлакати—Руминия, Чехословакия, Совет Иттифоқи, АҚШ, Канада, Бразилия, Франция, ГФР, Бельгия, Финляндия ва бошқа мамлакатларда Болгар мультфильмлари муваффақиятли равишда намойиш қилинаётир. Айниқса «Кўринмас Мирко», «Дуэт», «Парад», «Прометей» каби фильмлари ўзининг оммавийлиги билан ҳаммага манзур бўлмоқда.

Бу йил Болгария «Мультфильм» студияси мамлакат экранларида кўрсатиш учун яна ўнта янги мультипликацион фильм чиқаришни планлаштирган. (ТАСС).

ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ БАЁНОТИ

ПРАГА, 26 март. (ТАСС). Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретариати бугун қуйидаги баёнотни эълон қилди:

Франция кончиларининг забастовкаси тўрт ҳафтадан бери давом этмоқда. Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретариати ишчилар синфининг иши учун мардонавор курашчиларга ўзининг оташин қардошлик саломини йўллайди. Ҳукумат кончиларнинг қонуний талабларини қондиришни ўжарлик билан истамаётган ҳозирги вақтда уларнинг курашига халқаро ишчилар бирдамлигини бундан буён ҳам ривожлантириш зарур. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари ва касаба союзлари Франция ҳукуматининг кончилар ва уларнинг оилалари олиб бораётган курашни очлик ва қашшоқлик ёрдами билан бостириш йўлидаги уринишларига, шубҳасиз, ўз норозиликларини билдирадилар. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари ва касаба союзлари Франция кончиларининг курашига бирдамлик билдириб, уларга бундан буён ҳам моддий ёрдам бериб туришга тайёрдирлар.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретариати эса Франция кончиларига кончиларнинг Халқаро бирлашмаси орқали 10 миллион эски француз франки миқдорида учинчи марта ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилди.

ГВАТЕМАЛАДА ҚАМАЛ ҲОЛАТИ

НЬЮ-ЙОРК, 26 март. (ТАСС). ЮПИ агентлиги Гватемала шаҳридан хабар беради: Гватемала ҳукумати мамлакатда қамал ҳолати жорий этишга қарор қилди.

Хабарда айтилишича, Идигорас Фуэнтес ҳукумати шимолий районларидаги партизанлик ҳаракатини, шунингдек мамлакатдаги бошқа ҳар қандай «қўпорувчилик фаолиятини» бостириш мақсадида шу чорани амалга оширган.

РЕАКЦИЯНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

ЛОНДОН, 26 март. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Рио-де-Жанейродан хабар беришича, Гуанабар штатининг губернатори Карлос Ласерда бундай деган: Куба билан бирдамлик миллий конгресси ва Латин Америкаси конгресси Рио-де-Жанейрода ўтказилиши мумкин эмас.

Ласерда федерал конституциянинг «ҳукуматга қарши фаолият» тўғрисидаги моддасини рўкач қилиб, бундай конгрессларни ўтказмоқчи бўлган ҳар қандай раҳбарларни қамоққа олиш тўғрисида буйруқ бераман, деди.

ҚУВОНТИРМАЙДИГАН ЯКУНЛАР

ВЕНА, 26 март. (ТАСС). Иқтисодий тадқиқотлар институтининг бу ерда эълон қилинган навбатдаги ҳисоботида бундай дейилади: кейинги ойларда Австрия металлургия саноати ва бинокорлик материаллари саноатида ишлаб чиқариш анча қисқарди, мамлакат экономикасининг бошқа тармоқларида эса турғунлик ҳукм сурмоқда.

1963 йил март ойининг ўрталарида кичик мамлакат деб ҳисобланган Австрияда 145.746 ишсиз рўйхатга олинди. Демак, ишсизлар ўтган йилдагига нисбатан 35 минг киши ортган. Мамлакатда кейинги йил ичида молларнинг чакана нархлари 3,7 процент ошди.

ПОЛИЦИЯ БОСҚИНИ

ГАВАНА, 27 март. (ТАСС). Буэнос-Айрес яқинидаги Ла-Плата шаҳрининг полицияси Аргентина Коммунистик партиясининг назарий ва сиёсий органи «Куэва эра» журнали босмахонасига босқинчилик қилди. Журналнинг 10 минг нусхаси мусодара қилинди Пренса Латина агентлигининг Ла-Платадан олиб берган хабарида айтилишича, босмахона директори ва босмахонанинг ишчиларидан уч киши қамоққа олинган.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 МАРТДА

Ўзбек тилида: 12.00—**Максим Горький ва болалар.** 12.30 — **Концерт** (мактаб ўқувчилари учун). 13.00 — **Олтин калит** номли бадиий фильм.

Рус тилида: 18.00 — **Мактаб ўқувчиси календари,** 18.45 — **Телевизион янгиликлар,** 19.00 **Адабий эшиттириш,** 19.20—**Бизнинг тренерга** (ҳужжатли фильм). 19.40 — **Фома Гордеев** номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 21.15 — А. М. Горький. **Бўронқуш ҳақида қўшиқ,** 21.30 —**Телевизион янгиликлар,** 21.45 — **Истиқбол эгалари** телевизион журнали, журналдан кейин — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/III да кундуз **Коппелия,** кечқурун янги спектакль **Момақалдироқ сўқмоғидан,** 29/III да кундуз **Русалка,** кечқурун **Момақалдироқ сўқмоғидан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/III да кундуз **Олов,** кечқурун **Гамлет,** 29/III да кундуз **Ҳамза,** кечқурун **Олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—28/III да кундуз **Алпомиш,** кечқурун **Фарғона ҳикояси,** 29/III да кундуз **Икки билагузук,** кечқурун **Уч баҳодир.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Мактабларнинг каникул кунларида 31 мартгача — **Янги аттракцион. Анатолий Сокол** ўз ёрдамчиси — **электрон-механик киши «Робот» билан.** Томошалар кундуз соат 12,3 ва кеч 7 яримда бошланади.

КИНО

99-маршрут — «МИР», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Ҳамкасблар—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (кундуз соат 4 дан), «ДЎСТЛИК» (1-зала), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 10 ва 10 яримда).

Шайтон тузоғи — «ВШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 дан), «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Меҳрга муҳтож яна бир киши — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Софья Ковалевская — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН», «ПРАВДА ВОСТОКА» ВА «ЎЗБЕКИСТОНИ СУРХ» БИРЛАШГАН НАШРИЁТИ

ўзбек ва рус тилларида

футбол календари

(«Ишқибоз йўлдоши»)

номли брошюра

ЧИҚАРДИ

Бу календарь ҳамма «Союзпечать» киоскаларида сотилади.

Баҳоси 6 тийин.

БИР ХАТ ИЗИДАН

МОМОГУЛНИ КИМЛАР ХЎРЛАДИ

Сирдарё районидаги Максим Горький номли колхоз аъзоси Момогул Деҳқонова ёш, меҳнатсевар, аммо золим эр, эскилик сарқитига ботган қайинота ҳамда қайинона бу аёлни асоссиз хўрлаб қўйдилар, азоб-уқубат гирдобига ботирдилар. Мен бу ишга редакция аралашиб, Момогул Деҳқоновага ёрдам берилишини истар эдим.

Ширинбой ТАНГРИБЕРГАНОВ,
медицина ходими.

Мана, биз Горький номли колхозидамиз. Дуч келган биринчи кишидан сўраймиз:

— Момогулни танийсизми?

— Ким танимайди дейсиз! Бемаъни маломатларга қолган аёл-да!

Бу фикрни бошқалар ҳам тасдиқлайди:

— Бечора, Момогулга қийин бўлди.

— Ўн гулидан тўққиз гулини сўлдиришди.

Ҳавас Чириков мактабда ўқиб юрганидаёқ Момогулни кўрса юраги орқасига тортадиган бўлиб қолган эди. Ўқиши, исланиши, келажаги тўғрисида қайғириши лозим бўлган бу йигитча қандай бўлмасин Момогулга уйланиш режаларини туза бошлади. Ҳавас кўпинча йўл пойлар, Момогулни ёлғиз кўрдими, қолипдаги гапни ташларди:

— Сизсиз дунё қоронғи.

— Бундай гапларни айтишга уялмайсизми?

— Уволимга қоласиз!

Момогул фақат ўқишни ўйлар, севги, турмуш тўғрисидаги фикрларни хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳавас Момогулни тузоққа илинтира олмаслигини сезиб, бошқа йўл тутди: отаси Чирик Аёнов, онаси Анзират Аёноваларни ишга солди. Момогуллар уйидан совчи аримай қолди. Совчилар Момогулнинг ота-оналарини кўндиришди: тўй бўлди, ёш қизча мактаб багридан юлиб олиниб, келин қилиб узатилди.

Момогул билан Ҳавас икки узуқнинг бир кўзи эканлиги рост экан, деб туришганда янги-янги ҳангамалар чиқа бошлади. Ёш қиз турмуш бузилмасин деб барча оғирликларни ўзига олди, ҳамма гапни ичига ютди. Кун бўйи далада меҳнат қилиб, чарчаб қайтган Момогул қозонга югуради, овқат қилади, товоқ-қошиқ ювади, сигир согади, бузоққа қарайди, ҳашак орқалаб кунжара ивитади. Оёқ-қўлини узатиб, юмшоқ ёстиққа ёнбошлаб ётган эр ҳақида қайғона ва қайинота галма-гал қичқиришади:

— Чой, чой деяпман!

— Ивирсимай ўлгур, ғивир-ғивирингни кўп-у, қилган ишингнинг тайини йўқ!

— Сутни пишир, ачиб қолади!

«Ҳа, майли, бу кунлар ҳам ўтиб кетар, турмушимиз шаҳрин бўладиган кун келар». Момогул шундай ўйлар билан ўзини овутар, барча оғирликларга чидар, меҳнатдан чарчамай, ярим тунгача «ивирсиб» юрар, ҳаммадан олдин туриб, чойга уннар, қатиқ ивитар, ҳовли супуриб, ишга жўнарди.

Йиллар шу зайлда ана шундай бир-бирини қувлаб ўтар, амхо Момогулнинг аҳволи оғирлашса оғирлашардию, сал бўлса ҳам енгиллашмасди. Бунинг устига, орада фарзанд бўлмай, кўпинча тўполон шу атрофда айланарди. Бир кун қайинона Момогулга шундай деди:

— Туғмас хотин, ўғлимнинг умрини бекорга ўтказялсан, шуни биласанми?

Бу гап Момогулнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Умрида биринчи марта қайинонага тик қаради:

— Айб ўғлингизда, врач шундай деган!

— Ҳали, гап қайтарадиган бўлдингми, жувонмарг, ўша чиқиб қолган тилингни суғуриб олай,— деди-ю, Момогулга ташланди.

Бечора Момогул тарсакиларга чидаб турган эди, Ҳавас келиб қолиб, роса тепкилади...

Шу кундан бошлаб, ҳаёт ланда оғирлашди, хўрлик кучайди, қайинота ҳам ўз йўли, ўз усули билан Момогулга «ҳужум» бошлади:

— Рўза тутсанг ўласанми?

— Кун бўйи далада ишласам, толиқиб қоламан, отажон.

— Хўш, бўлмаса намоз ўқи, намоз устида бизга умр, бойлик тила!

Шундай гап-сўзлар бўлиб турганда, Момогулнинг бошига қора булут тўпланиб, чақмоқ чақди. Момогулнинг оғир қисмати етмагандек, янги ҳийла ўйлаб топилди.

— Келиндан қутулиш йўлини топдим, — деди Чирик Анзиратга.

— Хўш, — жонланиб кетди Анзират.

Қайинота бир оз ўйланиб турди-да гапира бошлади.

— Бир иш қилсанг ундан қутулардик-қўярдик.

—Кошкийди келинимдан қутулсам...

— Сабр қил. Бир ҳийла қиласан: кечаси колхоз кассири Сирожов келганимнинг уйига кирди, деб дод соласан, овчингни юласан, одам тўплайсан. Ўғлингни бошқатдан уйлантирамиз.

Бир кун кечаси бу инсценировка ўйналди. Анзират роса бўкириб, дод солди, одам тўплади:

— Нима дейсизлар, кассир келининг уйига келди, мени кўчадан пайдо бўлиб қолди, бунинг устига Момогулнинг ахлоқсизлиги тўғрисида бир оғиз ҳам гап бўлмаган эди-ку?!

Колхоз раҳбарлари, шу жумладан раис Шариф Раҳимов буларни суриштириб ўтирмади. Сирожовни ишдан ҳайдаб юборди.

Момогул нима бўлди? Бундай азоб-уқубатларга, туҳматларга бардош беролмай, бетоб бўлиб қолди, узоқ вақт касалхонада ётиб чиқди.

Ҳозир Момогул ота-онасининг уйида. Момогулни хўрлаган, унинг бошига турли маломатлар ёғдирган туҳматчилар эса айларини суриб юришибди. Биз аминмизки, Момогулни ўқишдан, қайноқ колхоз ҳаётидан қолдириб, уни ноҳақ хўрлаб, азобларан кишилар қонун олдида жавоб берадилар!

Х. ИКРОМОВ,
В. МАХКАМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирлари.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВОЛЕЙБОЛ БЎЙИЧА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЧЕМПИОНАТИ

26 мартда Ўзбекистон пойтахтида Совет Иттифоқи биринчилиги учун эркаклар волейбол командаларининг ўйинлари бошланди. «А» классидаги ўн икки команда — Ленинград, Минск, Рига, Вильнюс, Кишинев, Тбилиси, Баку, Ереван, Олмаота, Фрунзе, Грозний командалари Тошкентга келдилар. Тошкент динамочилари Ўзбекистоннинг спорт шуҳратини ҳимоя қиладилар.

Биринчи ўйинлар ўтказилди. Вильнюс динамочилари 3:1 ҳисоби билан Фрунзе «Олга» клуби устидан ғалаба қозондилар. «Буревестник» волейболчилари (Олмаота) қаттиқ курашда Одесса («Буревестник») командасини 3:1 ҳисоби билан ютди.

Мусобақалар 1 апрелгача давом этади. (ЎзТАГ).

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 06287. Индекс 64543. Нашр. № 74.